Mustaqil gazeta

HURRIYAT

11-17-aprel
2001-YIL
15 (219)-son

HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996 yil dekabrdan chop etila boshlagan

Қўқон томонларда

ГУРУР УЙҒОТГУВЧИ ГЎЗАЛЛИК

...Бу кўҳна заминда алоҳида ажралиб тургувчи сифати номи ёнига қўшиб айтгулик шаҳарларни санай бошласангиз, бир қўлингизнинг бармоқлари роппа-роса етади. Яъниким, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Қуддуси шариф, Бухоройи шариф... Ушбу саноқда юртимизнинг яна бир қадимий ва сулув шаҳри Хўқанди латиф ҳам муқим ўрин эгаллаганки, бугунги гурунгимиз мазкур кент хусусида.

Ўнинчи асрлардаёқ араб муаррихлари ва жуғрофия билимдонлари Қўқон номига «латиф» атамасини қўшиб ишлатганларининг ўзиёқ бу шаҳар раияти азал-азалдан хушмуомаласи, адабиётга, санъатга ўчлиги билан алоҳида ажралиб турганлигидан шоҳидлик бериб турибди. Тўғри, XIII асрда ваҳший мўғул босқинчилари шаҳарни ер билан яксон қилдилар. Вайронагарчилик, эл кўнглига солинган ваҳм шу даражада эдики, ҳатто мўғул босқини тугаб, Мовароуннаҳрда нисбатан тинчлик-осойишталик ўрнатилгандан сўнг шаҳарни қайта тиклаш осон кечмади. Ниҳоят XVII асрга келибгина собиқ шаҳар ўрнида Эски Қўрғон тикланди ва шу даврдан бошлаб Қўқон яна ўзининг эски шонини, шуҳратини тиклай бошлади. Зеро, азалдан аёнки, ўз хокидан бунёд бўлган қақнус янада гўзал ва янада сайроқ бўлади.

Албатта, Қўқон адабий муҳити ёинки Қўқон адабий мактаби деган тушунчалар кўпчилигимизга таниш. Умуман, Навоий давридан сўнг адабий ҳаёт маркази Қўқонга кўчиб ўтган десак, унчалик муболаға қилмаган бўлармиз. Ва бу жараён ҳосиласи ўлароқ, Қўқон жаҳонга Нодирани, Умархон Амирийни, Муқимийни, Фурқатни, Ҳамзани... берди.

Булар Қўқоннинг кечаги куни. Илло, бизни бугунги Қўқон ўз таровати, ўз гўзаллиги, ўз меҳри ва сеҳри, бир сўз билан айтганда, латифлиги ила кутиб олаяпти.

Бугун, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган бир шароитда жуда кўп тушунчалар бевосита моддий асосга боғланиб қолгандай туюлади баъзан. Айтайлик, китоб, газета-журнал мутолаасидан тортиб ҳатто китобхонлар билан учрашувлар ўтказиш масаласига қадар. Бироқ, ҳазор шукроналар, ўлкамизда шундай манзил-маконлар борки, уларга борсангиз маънавиятга, адабиётга бўлган эътиборни кўриб кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Водий қучоғида ярқ этиб кўзга ташланадиган Қўқонда ҳам шундай.

Аньана дарахти ҳар қанча чуқур илдиз отган бўлмасин, унга эътибор оби ҳаёти томиб турмас экан, бир куни сўлади. Шу маънода бугун Қўқонда адабий муҳит, адабий мактабнинг ўлмас тажрибалари сақланиб қолаётганлиги ҳақ гап. Шу эътиборга биргина мисол. Ўтган йил адоғида шаҳарнинг қоқ марказида шоирлар хиёбони очилди. Қўқонда ўтган неки таниқли шуаро зоти борки, улар ҳақида маълумотлар битилган, бўртма суратлари туширилган бу сокин хиёбонни айланиб юрмоқнинг ўз гашти бор. Ё бўлмаса янги аср бошида Муқимий ҳазратлари таваллудининг 150 йиллик, у кишининг шогирдлари, камтар-камсуқум шоир Чархийнинг 100 йиллик тўйлари катта тантаналар билан ўтказилганлигини эслайлик. Бу ўзига хос тўйларга эл-улус қатори пойтахтимиз Тошкентдан шоирлар, ёзувчилар, олимлар ташриф буюришди. Куни кеча эса Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб шаҳарда Муқимий номидаги Миллий боғ очилди. То шу кунгача эл кўзидан панарокда, пана-пастқам, эски иморатлар қуршовида турган Худоёрхон ўрдаси халққа ўз бағрини очди – бу ажойиб иншоот боғ марказидан ўрин олди. Мармар кошоналар қуршовидаги фавваралар аҚлингизни лол этади.

Шаҳарнинг ёшгина ҳокими Абдуҳаким Хўжаев ишлаб, изланиб чарчамайдиган раҳбарлар тоифасидан экан. «Биз ҳокимлар юртни обод этишни муҳтарам Президентимиздан ўрганяпмиз. Пойтахтимизда қурилаётган янги-янги фаввораларни кўргансизлар-а, — дея сўраб қолди у киши гап орасида. — Қўқоннинг кираверишида худди шундай фаввора ўрнатаяпмиз!»

Дарҳақиқат, Қўқонга яқин орада бормаган одам шаҳарни дарҳол таниб олиши мушкул. Қаёққа қараманг, гўзал бир иншоотга кўзингиз тушади. Шаҳарга кираверишқу, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Эски, пастак, қиғир-қийшиқ харобалар ўрнига кўкка бўй чўзган сулув иморатлар эгаллаган. Бир текис деворлар ҳозиргина бўёқдан чиққандай – кўзни қамаштирар даражада оппоқ.

Шунда ҳамроҳларимиздан кимдир бир ривоятни эслаб қолди. Эмишки, мудом бошини хам қилиб, ердан кўз узмай юрадиган Боборахим Машраб Қўқонга келгандагина журъат этиб осмонга қараркан. Бунинг сабабини сўрашганда Машраб шундай жавоб қилган экан: "Қара, эй бандаи мўмин, ахир фалакдан Хўқанди латифга Аллоҳ марҳамати ёғилмокда-ку!..»

Бугунги кунга келиб, бутун Ўзбекистонимиз Аллоҳ таоло назари тушган юртга айланди. Қўқон мана шу муқаддас заминга узукка тушган кўз мисоли ярашиб турибди.

Дарвоқе, Қўқонда ободончилик, бунёдкорлик ишларига бу қадар катта аҳамият берилаётганлиги хусусида ҳам ҳоким жаноблари билан анча гурунглашдик. Аввало, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг "Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга қаранг" деган ҳикматли гапини эслаган Абдуҳаким Хўжаев яна бир жўяли фикрни айтиб қолди.

— Элни харобазор эмас, гулистон ўзига тортади. Шундай экан, дам олишга, сайилга чиқмоқчи бўлсангиз аввало борадиган жойингизнинг тозалигига, чиройли эканлигига, руҳингизга ором бағишлай олишига эътибор берасиз. Шундай-ку. Демак, яхши ишлаган фуқаро яхши дам олиши, ажойиб, гўзал биноларда ором олиши, гўзал хиёбонларда сайр қилмоғи жоиз. Менимча, гўзаллик дунёни қутқариши билан бир қаторда инсон руҳини ҳам юксакликларга кўтаради, уни ижодкорликка, завқ-шавқ билан меҳнат қилишга чорлайди. Энг муҳими, туғилиб ўсган, яшаётган ошёнингнинг гўзаллиги инсон ғурурини оширади. Фақат шунинг ўзи учуноқ ҳар қанча ишласак арзимайдими, ахир...

Бу гапларга бирон бир изоҳ қўшиш ортиқчадек туюлди бизга.

Ҳа, Қўқон - қадимий шаҳар. Баъзи мутахассислар унинг ёшини 2200 йилга тенг деб баҳолашмокда. Ҳай, майли, бу фикрнинг тўғри-нотўғрилигини олимлар исботлаб беришар.

Биз учун эса бошқа бир жиҳат ҳам эътиборга моликдек туюлди. Қўқон яшармокда. Кўз ўнгимизда. Баайни мўъжиза содир бўлаётгандек... Ҳатто ушбу сатрлар муаллифларидан бири илҳомланиб кетиб, тўртлик ҳам ёзиб юборди:

Бу нечук синоат, бу нечук жумбоқ,
Бу ажиб ҳолатга топай не таъриф:
Кўпайгани сари сочимдаги оқ,
Яшариб бормоқда Хўқанди латиф...

Қўқон бугун том маънода пойтахтимиздан икки қадамлик йўл бўлиб қолди. Гап нафақат маънавий яқинлик ҳақида кетаяпти. Элимизнинг қудрати билан ишга тушган Қамчик довони чиндан ҳам орани яқин қилди. Биз ҳам тоғ бағрини ўйиб ишланган, узунлиги саккиз юз метрлик тоннелдан ўтарканмиз, хаёлимизга бир гап келди. Бир пайтлар водийга бориш, айниқса, қиш маҳаллари ғирт азоб эди – довон бекиларди. Бугун эса Асаканинг «Нексия»си ҳар қандай обҳаво шароитида уч соатда сизни водий сарҳадига етказиб келади. Йўл бехавотир. Одамлар бехавотир. Шаҳарлар гўзал. Бугунги кунга, эртанги кунга ишонч мустаҳкам. Тинчлик-барқарорлик мустаҳкам заминда кўнгиллар гўзалликка талпинади. Ва мана шундай юртда гўзаллик яратилади. Мана шу эмасми мустақиллигимизнинг бизга берган бебаҳо неъматларидан бири!

Йўлдош СУЛАЙМОН,
Муҳаммад ЮСУФ,
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Шавкат АКРОМОВ фотоси

Қорақалпоқ сулувлари

Ташриф

ҲАЙРАТДАН ҲАМКОРЛИККА, РАҚОБАТГА

Дунё Ўзбекистонни ўз тараққиёт йўлидан дадил ва қатъият билан бораётган мустақил давлат сифатида таниб бўлди. Халқимизнинг одамохунлиги, бағрикенг, меҳнаткаш ва самимийлигини қайта-қайта эътироф этмоқда. Бунга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишини моҳирлик билан олиб борилган ташқи сиёсат самарасидир десак тўғри бўларди.

Шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг Германияга қилган ташрифи моҳият эътибори билан янги босқичга кўтарилган ҳамкорликни англатади. Германия сиёсатидагина эмас, дунё миқёсида йирик нуфузга эга бўлган Федерал президент Йоҳаннес Рау, Федерал канцлер Герҳард Шрёдер, Бундестаг раиси Волфганг Тирзе, вице канцлер, федерал ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, федерал ички ишлар вазири Отто Шили, федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер билан мулоқот ўтказишу кўплаб масалалар юзасидан яқдил фикрга келиш унча-бунча сиёсатчига ҳам насиб этмайдиган муваффақият десак янглишмаймиз.

Берлиндаги сўлим ва нуфузли гўшалардан бирида миллий меъморчилигимиз асосида қад ростлаган Ўзбекистон элчихонасининг очилиш маросими ҳақиқий воқеага айланди. Бундай тадбирларнинг ҳеч бирида ҳали Ўзбекистон элчихонаси очилиш маросимидагидек ГФР Бундестагининг йигирмадан ортиқ депутати, кўплаб федерал вазирлик раҳбарлари, бир сўз билан айтганда, икки юзга яқин меҳмон қатнашгани йўқ. Ҳатто хасталигига қарамасдан, Германия собиқ Федерал президенти Роман Ҳерцог маросимда иштирок этди. Бу ўзбекларга, Ўзбекистонга, Президент Ислом Каримовга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром ва ишончнинг ёркин тимсоли эмасми?!

Немис ишбилармонлари билан бўлган мулоқотлар чоғида-ку Президент ўзининг самимияти билан ишбилармонларнинг ўзига ва мамлакатимизга бўлган ишончини ошириб юборди. Натижада эса Германияда таълим оладиган ўзбек ёшларининг сони янада ошадиган бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Сименс" гуруҳининг "Инфинеон технологис Дрезден" тармоқ корхонаси билан танишув жараёнидаги нутқи журналистларни ҳаяжонга солди. Унда Юртбошимиз, жумладан, шундай деди:

— Бу ерга томоша учун, ҳайратланиш учун келганимиз йўқ. Мақсад бу корхона маҳсулотини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, компаниянинг юқори технологиясини юртимизга киритишдир.

Дарвоқе, Ўзбекистон ҳайратланиш фаслини ортда қолдирди. Эндиликда ҳалол ҳамкорлик ва рақобат фасли бошланди. Дунёнинг ривожланган давлатларидан бири саналмиш Германияга ташриф давомида ўн тўртта муҳим ҳужжат имзоланди. Ҳужжатлар молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ҳамкорлик доирасини кенгайтириш имконини беради.

Ислом Каримовнинг Германияга ташрифи, айтиш мумкинки, буюк воқеа сифатида тарих зарварақларида муҳрланажак. Янги асрни ривожланган давлат билан кенг кўламли ҳамкорликда бошлаш ҳам бу аср Ватанимиз учун ривожланиш, тараққиёт асри бўлажагидан далолат беради. Германия ташрифи ана шундай некбин мулоҳазалар юритишга ундайди кишини.

Ф.КОМРОН

Ҳафта воқеалари

Президент Ислом Каримовнинг Германияга ташрифи икки давлат муносабатларини янги босқичга кўтарди!

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 665 йиллиги зўр тантаналар билан нишонланди

Америка Олий Ислом кенгаши раиси М.Қаббоний раҳбарлигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлиб турибди

Ҳозиржавоблик

ЖАСОРАТ КЎРСАТАЁТГАН ЗАМОНДОШ

Ёки биз журналистларнинг бурчи

Муҳтарам таҳририят ходимлари!

Аслида мен ҳам сизнинг ҳамкасбингизман: Янгиер шаҳридаги "Янгиер тонги" газетасида ишлайман. Ўз ижодий фаолиятим билан баҳоли қудрат эл-юртга хизмат қилиб келмоқдаман. Биз журналистлар орамизда яшаб, жасорат кўрсатаётган замондошларимиз қиёфасини кўз-кўз қила билмоғимиз керак.

Газетангиз бошқа нашрлар орасида ўз сўзига эгалиги, мухлисларга бўлган эътибори жиҳатидан анча диққатга сазовор. Айниқса, унда босилаётган фельетонлар, кишиларни холис фикрлашга, баҳс-мунозарага киришишга чорловчи мақолалар бизни жуда руҳлантиради. Шу боис менда ҳам сизлар билан ижодий ҳамкорлик қилиш истаги туғилди. Яқин кунларда бир неча таҳлилий мақолалар, жумладан, ҳозирги кунимиз қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар тайёрлаб жўнатиш ниятидаман. Насиб қилса, газетангизнинг доимий муаллифларидан бирига айланиш умидим бор.

Нодира ДЎСМАТОВА

ХАТ – АТОИ ХУДО!

Валийсифат бир отахон ҳақида эшитганим бор эди. У киши уч кундан ошса кўча остонасида ўтирволиб меҳмон пойларкан. Ўшандаям биров келавермаса ўзидан хафа бўлиб, нима айб қилдимки, уйимдан меҳмоннинг оёғи узилди дея зорланиб ёш боладек йиғларкан.

Ҳақиқатан ҳам меҳмон — атои худо. Таҳририятга хат келганида уйимизга меҳмон келгандай қувонамиз. Ахир қувончу ташвишларини, орзу-ўйларини биз билан баҳам кўришни ўзига эп билган мухлисларимиздан нега ҳам хурсанд бўлмаслик керак?

Аввало, доимий ҳамкорларимиз хоразмлик Шавкат Болта, андижонлик Абдулаҳад Ўрмонов, тошкентлик Ҳусанбой Тожиматов, фарғоналик Тошмирза Аҳмадшоев ва Ғайратжон Мансуров, қашқадарёлик Пардабой Бухоровга бир-биридан қизиқарли мақолалари учун ташаккуримизни изҳор этамиз.

Қоласверса, Ғаллаорол туманидан хат жўнатган А.Абдуқодиров, М.Шертилаков, деновлик Ў.Бекмуродов, деҳқоноободлик Б.Шаъбонов, келеслик Й.Турсунов, қўрғонтепалик Э.Содиқов, қўқонлик М.Ражабов, Ш.Солибоев, Усмон Юсупов туманидан Қ.Сафаров, хивалик М.Шербеков, урганчлик К.Нуржон, қизириқлик Р.Имомов, С.Омонтурдиев каби жонкуяр муштарийларимизга ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

Бироқ кейинги вақтларда таҳририятимизга "ёғилаётган" шикоят-аризаларнинг кўплигидан бир хижолатимизга ўн хижолат қўшилаётгани ҳам рост. Газета жамоаси имкон борича улар юзасидан журналистик текширув ўтказишга ҳаракат қилади. Лекин оддий тушунмовчиликларни таҳририят иштирокисиз ҳам жойларнинг ўзида ҳал этиш мумкинлигини таъкидламоқчимиз. Бунинг учун шикоятчи ўзининг конституцион ҳақ-ҳуқуқларидан бироз хабардор бўлса бас, пойтахтга хат жўнатиб, унинг жавоб-натижасини интиқ бўлиб кутишга ҳам ҳожат қолмайди. Тўғри, эҳтимол, катта-кичик муаммоларни ечишда жойлардаги маъмурий органларнинг айрим тепса тебранмас вакиллари ғов бўлаётгандир.

Аммо ғовнинг энг каттаси ҳуқуқий маданиятимизнинг ҳаминқадарлигида эмасмикин? Наҳотки, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни ўқиб-ўрганишдан ор қилсак?! Назаримда, айрим тўраларга ипсиз боғланиб қолаётганимизга ўзимиз айбдордекмиз.

"Ҳуррият"га келаётган шикоятлар географияси кенг, маъно-мазмуни турлича. Бухоро туманидан Х.Авлиёқулов, Зафаробод туманидан С.Қўшбеков, Самарқанд шаҳридан Д.Пўлатова, Ғ.Ибрагимов, Нуробод туманидан Х.Аҳророва, Иштихон тумани Монар қишлоғидан О.Ҳайитов ва бошқалар, Қумқўрғон туманидан А.Абдумуродов, Наманган шаҳридан З.Тошхўжаева, А.Убайдуллаев, Чуст шаҳридан М.Маҳмудов, Фарғона туманидан О.Ёқубова, Фарғона шаҳридан К.Одилова, Янгийўл туманидан М.Тоғажонова, Бекободдан Б.Жабборов, М.Абдумуталов, Қибрай туманидан М.Зупарова, Шовот туманидан О.Рўзметовнинг шикоят-аризаларида шахсий муаммодан тортиб, жамоа, қишлоқ ва туман миқёсидаги камчиликларгача ўрин олган.

Сирдарё туманида яшовчи К.Алиев: "Кексалар ўртасида шахмат, шашка, теннис ва спортнинг бошқа турлари бўйича маҳалла, хўжалик, туман, вилоят ва республика мусобақалари ташкил этилса яхши бўларди", дея таклиф билдиради. "Юртбошимизнинг спортга қизиқиши ва унга имконият яратаётгани биз фахрийларнинг ҳам ғайратимизни жўштиряпти, бизга илҳом беряпти-да, ахир", дейилади К.Алиев мактубида.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Пиримқул Дўстмаматов ҳам яхши ният билдирибди: "Сирдарё воҳаси қадимги Суғд, ҳозирги Самарқандни Фарғона водийси орқали Хитой билан боғлаган муҳим карвон йўлида жойлашганлиги туфайли бу заминда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу юртнинг мард ўғлонлари Ватан озодлиги учун кўплаб босқинчиларга қарши курашган. Улардан бири Широқ бобомиздир.

...Широқ хотираси абадийлаштирилиб, у кўрсатган мардлик ва матонат муносиб баҳоланса, Сирдарё воҳасида унга ёдгорлик ўрнатилса, кўчалар ва майдонларга унинг муборак номи берилса, шубҳасиз, аждодлар олдидаги ворислик бурчимизни адо этган бўлардик".

Яхши ниятларга нима етсин, ана шундай орзу-ўйларимиз рўёбга чиқаверсин. Суянчимиз — мухлислар ҳамкорлигига кўз тегмасин!

"НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ"

танлови якунланиш арафасида

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилаётган анъанавий Республика танловига ижодий ишларни тақдим қилиш давом этмоқда.

Кўпчиликнинг таклифига биноан, мавзуни энг яхши ва фаол ёритган таҳририят номинацияси ҳам қўшилди. Демак:

— Энг яхши таҳририят;
— Энг яхши мақола;
— Энг яхши эшиттириш;
— Энг яхши кўрсатув;
— Энг яхши фото

муаллифлари мазкур танловга таклиф этилади.

Наврўзи олам нафақат табиатнинг, балки инсонлар қалбининг ҳам янги куни, янгиланиш байрами. Юртимизга баҳорнинг ифорли нафасига йўғрилиб кириб келувчи нафосатли бу айёмнинг гўзал дамларини жўшиб, илҳом ва эҳтирос билан ёзган, кўрсата билган ғолиб ижодкорлар, таҳририятларни қимматбаҳо совғалар, мукофотлар кутади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар ОАВда эълон қилинган бўлиши шарт ва улар шу йилнинг 30 апрелига қадар Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасига топширилиши лозим. Топширилган ижодий ишлар муаллифларига қайтарилмайди.

Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 31-хона.
Телефонлар: 144-64-62, 144-37-87

Хабар

"НАҚШБАНД ЗИЁСИДАН БАҲРАМАНД БЎЛМОҚ НИЯТИМИЗДИР"

— деди Америкадаги Нақшбандий жамияти раҳбари шайх Муҳаммад Нозим Ҳаққоний

Америка Олий ислом кенгаши делегацияси бир неча кундирки, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Диний уламолардан ташқари, ишбилармон доиралар вакилларини ҳам ўзида жамлаган бу нуфузли делегация республикамиз вазирликлари, идораларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб бордилар. Юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги учун яратилган имкониятлар, диёримизнинг тарихий шаҳарлари билан танишдилар.

6 апрель куни Америкадаги Нақшбандий жамияти раҳбари шайх М.Ҳаққоний, Америка Олий ислом кенгаши раиси М.Қаббоний, кенгаш котибаси Ҳ.Мираҳмадий Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида хорижлик ва маҳаллий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди.

Шайх Ҳаққоний аёллари, яъни шайх Қаббонийнинг қайноналари шу заминдан экани уларнинг журналистлар саволларига жавобида аён бўлди.

Нақшбандий жамияти раҳбари ташриф мақсадлари хусусида сўзлар экан, ҳар бир инсон қалби шамга қиёс бўлиб, пайғамбарларга, авлиёларга яқин бўлмоқ улар илми зиёсидан шу шамни нурлантирмоқ эканини таъкидладилар. "Биз ҳам жисмимиз учун Бухоро паловидан, қалбимиз, руҳонияти учун Нақшбандий ва бошқа улуғлар зиёсидан баҳраманд бўлмоқ учун ушбу муқаддас заминга ташриф буюрдик", деди М.Ҳаққоний.

Меҳмонлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов олиб бораётган одилона сиёсатдан мамнун эканликларини изҳор этдилар ҳамда журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга жавоб қайтардилар.

Амирқул РАҲИМ ўғли

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Мушоҳада

АХЛОҚ

Комиллик орзуси

ИНСОНИЯТ улкан техник тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу эса унинг учун, биринчи қарашда, жуда катта қулайликлар, имкониятлар яратмоқда. Аммо негадир инсоният учун яхлит олиб қараганда, ушбу тараққиёт маҳсулотларининг барчаси унчалар ҳам унинг ўзи кутган ва ўйлаган ҳузур-ҳаловатни ва бахтни ато этаётгани йўқ. Негадир улар дастлаб инсон учун қулайликлар яратгани ҳолда, кейинчалик ўзининг қулига айлантириб олмоқда ва инсон усиз яшай олмайдиган ҳолатга тушмоқда. Ва ушбу ҳолат – инсоннинг тинимсиз равишда қулайликлар излаши, яратиши охир-оқибатда унинг учун яна бир заҳматнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

"Бунинг сабаби нимада?" - деган савол туғилади.

Эришилаётган ютуқлар инсоннинг русум кетидан қувишига ўхшаш бир тарзда кечмоқда. Одамнинг уст-боши мунтазам равишда ўзгариб боради, у хоҳлаганча, хоҳлаган тарзда кийиниши мумкин, аммо моҳияти ўша-ўшалигича қолади. Инсон қанчалар гўзал, ажойиб кийинмасин, бурнининг бироз кўкка кўтарилишини эътиборга олмаганда, ички олами учун деярли ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Яна бир томони мавжудки, инсон қанчалар дабдабали кийинса, шунча ўнғайсизлашиб бораверади, яъни ушбу кийим-кечаклар унинг эркин ҳаракати, юриш-туриши учун халақит бера бошлайди. Техник тараққиёт ҳам охир-оқибатда худди шу каби ҳолат юзага келишига сабаб бўлаяпти.

Чунки одамзод техник, илмий соҳаларда ижобий натижаларга эришгани билан бир қаторда, ахлоқ масаласида бир жойда тўхтаб қолганга ўхшайди, ёки бу борадаги ривожланиш кутилган даражада эмасдай. Айтиш мумкин, аҳён-аҳёнда кишиларнинг ахлоқи ўз ўтмишдошлариникидан-да пастроқ, номақбулроқ ҳолатга тушиб кетадики, бунинг нима сабабдан келиб чиқишини ва инсон нега бу борада тўплаган ўз тажрибаларидан лозим даражада фойдаланмаётгани, тўғрироғи, фойдаланишни истамаётганини англаб етиш мушкул. Бунинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд бўлса керак.

Ҳар ҳолда бу борада ўзгаришлар муттасил равишда кечаётганлигига қарамай, жиддий сифатий ривожланишлар кузатилмаяпти. У маълум бир доира чегарасида айланиб юргандай.

БАЛКИ ахлоқ кишиларнинг кўнглини ифодаламас, чунки шу пайтгача амалда бўлиб келган ва жорий этилган ахлоқларнинг деярли барчасига риоя этиш ва комил инсон бўлиш учун одам ўзига зарур бўлган жуда кўп нарсалардан воз кечиши керак эди. Бу ҳам майли, бунинг учун инсон ўзига қарши бориши, кўнглини рад этиши шарт. Буни эса хоҳловчилар кам. Инсон табиий жонзот сифатида ўз нафсидан устун келолмайди. Шу билан бир қаторда у онгли мавжудот. Шу сабабли бўлса керак, ўзининг минглаб йиллик тарихи давомида турли хилдаги ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиб, уларга риоя этишни қаттиқ назорат қилиб келмоқда. Ҳолбуки, уларга амал қилиш кишилар учун жуда катта қийинчиликларни яратади. Улар бунинг учун жуда кўп нарсалардан воз кечишлари лозим бўлади. Шу сабабли ҳам инсонда иккиюзламачилик, сўз ва амал хилма-хиллиги ҳолатлари юзага келган.

Аммо бундан амалдаги ахлоқ қоидаларидан бутунлай воз кечиш ва кишилар учун ўнғай бўлган меъёрла яшайвериш лозим, деган хулоса келиб чиқмайди.

Маълумки, инсон ўз онгидан тўлиқ равишда фойдаланиш даражасига етишгани йўқ. У ҳали, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ривожланишнинг жуда паст даражасида турибди. Аслида одамни яратишдан кўзланган мақсад ҳам уни тараққиётнинг барча йўлларидан бошлаб ўтиш бўлиши эҳтимол.

Киши ўзининг кўпдан-кўп истак, хоҳишларини чеклаб, чегаралаб яшашга мажбур. Чунки якка инсон учун яхши туюлган нарсалар аксарият ҳолларда жамоа учун ёқимсиз. Бундан ташқари инсоннинг истаги ҳар доим у учун, унинг фойдасига хизмат қилавермайди. Кишини ўзини чеклаб яшашга онг мажбур қилади. Бу эса ахлоқ орқали амалга оширилади. Аслида ахлоқ деганлари нималар қилиш тўғрисидаги эмас, балки нималар қилмаслик тўғрисидаги қонун-қоидалар йиғиндиси, десак тўғрироқ бўларди. Чунки инсон қанчалар онгли, раҳмдил бўлса шунчалар ёвуз ҳисобланади.

КИШИЛАРНИНГ хусусиятлари, қарашлари у қанчалар билимга эга бўлмасин, ўша-ўшалигича қолмоқда. Агар, техник тараққиёт натижасида у бироз салбийроқ томонга қараб оғиб кетди, дейилса, ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак. Чунки бурунги асрларда инсон учун лозим бўлган нарсалар рўйхати бугунги кунга келиб анча кенгайди. Энди олдинги асрлардаги каби кишининг бахтли бўлиши учун оддий бир кулба, мол-ҳолнинг ўзигина етарли эмас. Биргина бошпананинг ўзи илгаригиларига сира ўхшамайди. Энди уни лозим даражада таъминлаш учун қанча маблағ, заҳмат керак бўлади? Эҳ-ҳе. Бугунги кунда инсон ўзини тўлиқ бахтлиман, деб аташи учун лозим бўладиган нарсалар рўйхатининг адоғи йўқ. Шу сабабли бўлса керак, бахтли бўлиш анча мушкул ишга айланиб бормоқда... Бунинг ахлоққа не алоқаси бор, деган савол туғилади. Моддий бойликларни топиш, йиғиш ва сақлаб қолиш учун эса ахлоқнинг бир қатор виждон, ҳалоллик, поклик, номус каби меъёрларини четлаб ўтишга ҳам тўғри келади. Инсон эҳтиёжининг ортиши, уларни қониқтиришга бўлган ҳаракат уни ахлоқ қоидаларини четлаб ўтишга мажбурлайди. Ахир комил инсон деганлари авваламбор ўз нафсини тия билган киши, донолар эса ўз эҳтиёжларини чегаралай олган кишилар эмасми? Кўнгил ва ахлоқ икки турли қутблардан иборат бўлиб қолган-ку.

Охир-оқибатда инсоният ўзининг маънавий эҳтиёжларини моддий эҳтиёжларидан устун қўйиш, кўнгилни мукаммал ахлоқ қоидаларига мослаштириш даражасига етиб келса керак. Аммо бу унчалар осон иш эмас, балки имкони ҳам йўқдир. Чунки инсониятнинг оқил тоифаси муттасил равишда шунга интилиб келган. Натижа эса... Кўнгил ва инсоният орзу қилаётган ахлоқ орасидаги фарқ борган сари ортмоқда, холос.

АХЛОҚ кишиларнинг нарса-ҳодисаларга бўлган муносабатида ҳам акс этади. Хусусан, бозор иқтисодининг жорий этилиши ва эски тизимнинг парчалаб ташланиши билан ўша даврда ўрнатилган кўпгина ҳолатларга нисбатан халқда нафрат ҳисси пайдо бўла бошлади. Эски ахлоқ тизими мажбурлаб ушлаб турган муносабатларга дарз кетди. Аммо бу борада чегарадан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам учради. Янги ахлоқ қоидаларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги боис жамиятда ўғрилик, порахўрлик ва бошқа иқтисодий жиноятлар деб аталмиш кўпгина иллатлар кишилар ўртасида кескин қаршилик ва нафратга учрамай қолди. Қайтанга ўғриликни улуғлаш ҳолати кўзга ташлана бошлади... Қўшни давлатлардан кириб келган "қонундаги ўғри" тушунчасини қабул қилиш ушбу ҳолатнинг кичик бир кўриниши эди. Одамлар улар хусусида гапирганда худди отаси тўғрисида сўз бораётгандек тилидан бол томарди. Уларга нисбатан нафрат туйғулари сезилмасди. Бу ўша минглаб йиллар илгариги Спартанинг қоидалари ўз-ўзидан юзага келишининг дебочаси эди бу.

Ўғриларни, битта мачит қуриб берса, ҳатто динлар ҳам кечириб юборишга тушганди. Берган худога ёқибди, деган бизнинг бўлмағур мақолимиз ҳаётга кенг ёйилиш арафасига келиб қолганди.

Буларнинг барчаси мустақиллик даври ахлоқининг ўрнатилиши билан секин-аста барҳам топиб бормоқда. Балки одамлар пул топишга бутун борлиғи билан киришиб кетишганларича, ён-атрофига қарашга фурсат тополмаяптилар. Бунда айримлар оддийгина "номус" деган тушунчани ҳам унутиб қўймоқдалар. Бир-икки йил бурун бир воқеани эшитгандим: йигит хотинини жазмани билан тутиб олади. Бозор иқтисоди шароитидан келиб чиққан ҳолда у хотинининг ўйнашидан 3 минг АҚШ доллари беришни талаб қилади. Жазман эса тегишли идоралардан белгилаб қўйилган пул олиб келиб, йигитни тутиб беради. Шундай қилиб эр жиноий жавобгарликка тортилади. Ўқувчида бундай ҳолатлар қандай жиноят ҳисобланади, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунисидан хабарим бўлмади. Менимча, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш бўлса керак. Ҳар ҳолда порахўрлик эмас. Чунки эр деганлари ҳозирча лавозим ҳисобланмайди.

Бундай ҳолатларда бир пайтлар эрлар болтадан фойдаланишган. Замоннинг нафаси барча нарсага ўз таъсирини кўрсатмай қўймас экан. Назаримда, қанчалар ваҳшийлик бўлиб кўринмасин, шарқона жиззакиликнинг намунаси сифатида барибир болтани тушуниш мумкин эди, долларни англаш мушкулроқ...

БУ КАБИ ҳолатлар ҳар қандай замонда содир этилади. Кўнгил деганлари англаш мушкул бўлган тубсизлик экан. Вақтида ёзувчи Бальзак ҳам худди шу каби ишларнинг бирига аралашиб қолганди. У пайтлар Францияда қонунлар бир қадар эрни (эркакни эмас) ҳимоя қилишга қаратилганди. Қонунларга мувофиқ агар эр хотинини жазмани билан ушлаб олса, уларни ўлдирса ҳам ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасди. Хуллас, Бальзак аралашган ишда воқеа бундай кечганди: эр хотини билан ўз хизматкори дон олишаётганида ушлаб олади ва иккаласини ҳам ўлдиради. Бироқ эр шу ўринда ўзи учун ўнғай, ҳақиқат йўлини танламайди. Агар шундай қилса у оқланиб кетиши аниқ эди, бироқ у ўзини, хотинининг шаънини юқорироқ қўйиб, хизматкорим, ўғирлик мақсадида хотинимни ўлдирган экан, мен уни отиб ташладим, дейди. Унинг режаси пухта ўйланган эди. Бироқ ўша давр экспертларининг кичик бир хатоси туфайли унинг гапларига ишонишмайди. Ишга Бальзак аралашади. Бироқ унинг матбуотда эълон қилган мақоласи кутилган натижасини бермай, бечора эрни айблаш учун дастак бўлади ва иш уни қатл этиш билан якунланади. Эр ўлими олдида ҳам оқланиб кетиш учун ягона йўл - хотинининг хизматкор билан дон олишганини тан олмайди.

Айтиш лозим, бу ўзбек ва фаранг ахлоқининг таққоси эмас. Йўқ. Фарангларда бугунги кун ахлоқи қанақа эканини одамлар яхши билади. Бу кишилар онгида ўтиш даври қолдираётган оғир из — моддий бойликка, пулга бўлган сиғиниш, унинг муқаддаслаштирилишининг оқибати.

Булар маиший микёсдаги ахлоқ масалалари ҳисобланади. Аммо у шу даражадангина иборат эмас. Бизда ушбу тушунча оилавий, турмуш ва маиший доирага олиб туширилган бўлишига қарамай, аслида ахлоқ масаласи анча кенгроқ. Айтиш лозим, у инсоннинг, миллатнинг, халқнинг, давлатнинг ўзлиги, ўзига хослигини ифодалайди.

АХЛОҚНИ такомиллаштиришга бўлган интилишлар инсониятнинг бутун тараққиёти давомида амалга ошириб келинган. Ҳар қандай замонда, ҳар қандай мафкура авваламбор ахлоққа, уни маълум маънода ўзгартиришга қаратилган бўлади. Чунки эскича ахлоқ билан янги қарашларни ўрнатиш мумкин эмас. Шунингдек, қарашлар, авваламбор, кишининг ахлоқ йўналишидан келиб чиқади. Шу сабабли бўлса керак, ҳали кўпчилик жуда яхши эслайди, совет даврида "коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси" деган бир ҳужжат бўлғуси эди. Унда коммунизм қурувчи кишининг хулқ-атвори кўрсатилганди.

Булардан ташқари, ўтган аср бошида большевикларга қарши кураш, асосан, иқтисодий манфаатлар кураши эмас эди. Давлат тепасига большевиклар келган пайтда, жамиятда бойлар жуда камчиликни ташкил қилар ва улар лозим даражада қаршилик кўрсатадиган кучга эга эмасдилар. Фуқаролар уруши, асосан, ахлоқ учун кураш орқасидан келиб чиққан, дейиш мумкин. Ёки бўлмаса, маълум табақалар шу ҳолатдан усталик билан фойдаланишган. Ҳар ҳолда нима бўлишидан қатъий назар, ахлоқ масаласининг бевосита иштирокисиз Марказий Осиёда, Кавказда бўлиб ўтган курашларнинг келиб чиқиши мумкин эмасди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан амалга оширилаётган сиёсат, миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоялари асосида ҳам бевосита ахлоқ масаласи ётади. Аммо бу — халқ ахлоқсиз эди, уни тартибга чақириш, дегани эмас. Аслида "ахлоқсизлик" деган тушунча жуда нисбий. Бир ахлоқ тизими ҳар доим ўзга тизимни "ахлоқсизлик" деб санаб келган.

130 йиллик мустамлака давридаги ахлоқ, совет тузуми ахлоқи кишиларимиз онгида ўзининг сезиларли изларини қолдирди. Коммунистик ахлоқ умумийликка асосланганди. Бу эса ўз навбатида кишида шахснинг, индивиднинг намоён бўлишини сўндириб қўйрди. Мана шу ҳолат бугунги кунда ўрта ва кекса авлод қарашларида сезиларли равишда намоён бўлмоқда. Албатта, буни умумий ҳолат деб бўлмайди. Бироқ барибир шундай қарашлар мавжуд. Шу сабабли бўлса керак, ўрта ва кекса авлодда кўпроқ майда нарсаларга ўралашиб қолиш, боқимандалик ҳолатлари учраб туради. Кўпинча бундай кишилар мустақиллик хусусида гап кетса, уни совет давридаги колбаса билан таққослашга ҳаракат қилиб кўрадилар. У пайтлар сиёсат шуни тақозо этарди – шахс қорин дардидан юқорилаб кетиши мумкин эмасди.

МУСТАҚИЛЛИК даври ахлоқи ундан бир қадар фарқланади. Энди жамоанинг ўрнига, якка шахс, индивид томон ўтилмоқда. Бугунги кун ахлоқи якка тартибдаги шахсга қаратилган. Энди ҳеч ким сенга одамларга қараб, улар қилганини қилиб юр, демайди. Шунингдек, энди давлат мен учун жавоб беради, деган тушунча ҳам йўқ. Эркинлик кишининг зиммасига, маълум маънода, масъулият ҳам юклайди. Маълумки, айрим кишилар бутун умрини қамоқхонада ўтказадилар. Уларга эркинликдаги ҳаёт ёқмайди, тўғрироғи, улар озодликда ўзлари учун кийим-кечак, озиқ овқат ва уй-жой ғамини ейиш лозимлигидан чўчишадилар. Бундан қўрқадилар. Бундай кайфият озодликка чиққан барча давлатнинг айрим фуқароларида учрайди. Бу ерда озодлик масаласи бевосита кўндаланг бўлиб турмайди, балки маънавий соҳада, кишининг, миллатнинг ўзлигини намоён қилиш масалаларида кўриниш мумкин, холос. Бундай ҳолатлардан эса осонлик билан кечиб юборишга шай турган одамлар кўп. Чунки яхши яшаш (иқтисодий маънода) мақсадида ҳар қандай маънавий ва ахлоқий қоидалардан кечиб юборадиган шахслар тоифаси барча жамиятда ҳам учрайди. Бундайларда оддий виждон, номус, ор тушунчалари ҳам фақат манфаатлари учунгина хизмат қилади. Бошқача айтганда, ўз эҳтиёжларини қондиришда улар ушбу тушунчаларни қалқон қилиб оладилар, манфаатларини қондирадиган бўлса ҳар қандай ғоя, ҳар қандай диндан ҳам усталик билан фойдаланадилар. Умуман олганда, бундайлар оммавий ҳисобланган ҳар бир ҳаракат, ғоя ва динга кириб оладилар.

ШУ ЎРИНДА айтиш лозим, ғояни донишмандлар яратадилар, фидойилар оёққа турғизадилар ва охир-оқибатда ундан очкўз, айёр ва бойликка ўч кишилар ўз мақсадларида фойдалана бошлайдилар. Агар ғоялар тарихига назар ташлайдиган бўлсангиз, шу каби ҳолатларни кузатишингиз мумкин. Динлардан ҳам шундай ҳолатларда фойдаланадиганлар кўплаб учрайди.

Республика Президенти томонидан ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва билимини ошириш борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг негизида асосан мустақиллик ахлоқининг жорий этилишини кўрамиз. Президент мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясини кенгроқ ёйишда асосан ёшларга умид боғламоқда. Ва жуда тўғри қилмоқда. Чунки онгига совет ахлоқи сингиб улгурмаган авлодни янги тартиб-қоидалар асосида ва янгича руҳда тарбиялаш осонроқ. Кекса авлодда у масала жуда оғир кечади. Улар ҳалаҳулага ўй-хаёлларини арзон колбасадан озод қилиб ололмасалар керак.

Юзаки олганда осон бўлиб кўринишига қарамай, инсоннинг ахлоқини ўзгартириш анча қийин. Большевистик ахлоқнинг ўрнатилиши қанчалар оғир кечганини тарихдан жуда яхши биламиз. Бунинг учун қанчалар қирғин ва қатағонлар амалга оширилди. Шунга қарамай, ушбу даврда тарбия топган ёшлар улғайгандан кейингина, қайси маънодадир, тузум мустаҳкамлашди. Ўтган асрнинг 37—39-йилларида амалга оширилган қирғинларнинг асосида нима ётарди? Буларнинг барчаси Сталиннинг калласига шунчаки келиб қолган аҳмоқона хаёлнинггина маҳсули эмасди. Асло.

Бундан ташқари, большевистик ахлоқ анархистларга яқинроқ эмасми, улар учун тўполон қилиш, жанжал чиқариш ва одам ўлдириш анчайин одатий ҳол эди. Айнан мана шунинг учун ҳам бутун жаҳон большевиклардан моховдан қўрққандек чўчиб туришарди. Кейинчалик анча маданийлашиб қолган бўлишига қарамай, коммунистларда одамларни оммавий тарзда қамаш, якка шахснинг ҳаётига эътиборсиз қараш барибир ўз кучида қолди. Инсоннинг давлат учун ўлиши улуғланиб келинди. Буларнинг барчаси социалистик давр ахлоқини ифодаларди. Бугун эса ушбу тушунчалар ўзгармоқда. Бугун давлат учун ўлиш талаб қилинмайди. Шоиримизнинг: "Ғалабани ўликлар эмас, тириклар келтирада Ватанга!" — деган шиорини амалга оширадиган замонлар келди.

Бироқ ушбу ҳолат мутлақ ижобий, деб ҳам бўлмайди. Жамиятда кишилар ўз ҳаётларидан кечишга тайёр нимадир бўлиши лозим. Аниқроғи, одамлар нималар ёки кимлар учундир жон фидо қилишни истайдилар. Ахир шусиз ҳам қанчалаб инсонлар бекордан бекорга ўлиб кетаверадилар-да.

Аслини олиб қараганда, бизда VIII-X асрлардан кейин умумий қоидалар сифатида фақат ислом ахлоқи амалда бўлган ва шундайлигича қолади. Айтилаётган ҳолатлар эса унинг ичида содир этиладиган жараёнлардан иборат, холос.

АХЛОҚНИ қотиб қолган ҳолат деб тасаввур қилиб бўлмайди. У мунтазам равишда ўзгариб боради. Умумий қоидаларга амал қилинган ҳолда ва маълум бир доиранинг ичида ҳар бир авлод ўз ахлоқини ўртага суради, илгаригисини тан олгиси келмайди. Айнан мана шу вазият туфайли оталар ва болалар муаммоси келиб чиқади. Ҳар бир кекса авлод ёшларни енгилтакликда айблайди, ҳар бир ёш авлод кексаларнинг тушунмасликларидан, даққилигидан нолийди. Эътибор қилган киши, ҳар қандай инқилобнинг асосини ёшлар ташкил қилишини кўриши мумкин. Оммавий тартибсизликлар улар томонидан содир этилади. Улар айнан мана шу орқали ўзларининг норозиликларини, оталари риоя қилаётган қонун-қоидаларга қарши эканликларини намоён қилмоқчи бўладилар. Такрор айтиш лозим, оталар ва болалар муаммоси ахлоқ доирасида, аксарият фақат кичик қарашлар микёсида содир бўлади. Умумий ахлоқ қонун-қоидаларига эса ҳар доим риоя қилиниб келинаверади. Агар шундай бўлмаганда эди, миллатлар минглаб йиллар давомида ўзлигини сақлаб қололмасди. Халқ ҳар бир авлодда бир марта ўзлигини йўқотиб, ўзга тусга кириб кетарди.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозим, миллат ўзлигини қанча узоқ сақлаши маълум ахлоқ қоидаригга қай тарзда қаттиқ амал қилишига боғлиқ. Агар у дуч келган халқнинг ўзи учун қулай, ўнғай ва яхшироқ бўлган қонун-қоидаларини қабул қилиб кетаверса, демак, у ҳали тўлиқ шаклланиб улгургани йўқ. Миллатнинг белгилари жуда кўп, аммо асосийси унинг қаттиқ амал қилувчи ўз ахлоқ қоидаларига эгалигидир.

Ахлоқни мукаммаллаштиришга бўлган уринишлар аслида инсониятнинг шунга тайёр эмаслиги, унинг ички олами ҳали ўзи ўйлаган даражада такомиллашмагани сабабли ўзининг кутилган натижасини бермаётганга ўхшайди. Мажбурлаб жорий этилаётган ахлоқ эса тилёғламалик ва иккиюзламачиликнинг урчишига олиб келади, холос.

Шундай қилиб, ушбу масаланинг моҳияти ва илдизи ахлоқда эмас, кўнгилда.

Исмоил ШОМУРОДОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзига хос фикр ва қалам соҳиби бўлмиш муаллифимиз, сиз азиз газетхонларимизни яна бир мавзу юзасидан баҳс-мунозарага чорламоқда. Зеро, ахлоқ меъёрлари қотиб қолмаганидек, фикр ҳам ҳамиша ҳаракатда боқийдир.

Ҳуқуқ

Адолатли бўлиш учун кўп нарсани билиш шарт эмас, аммо ўтакетган адолатсиз иш қилиш учун эса қонунларни обдон ўрганиб чиқишга тўғри келади.

Г.ЛИХТЕНБЕРГ

ТОРМОЗ...

Даъвогар Ҳалима Носирова бир йил судга қатнаб ҳал қилув қарорини олгани ва у қарор бажарилмаётгани хусусида

МУХБИР: — Судья жаноблари, қўлимдаги бу мактуб муаллифи фуқаро Носирова Ҳалима сизга даъво аризаси билан мурожаат қилган экан. Ижозатингиз билан таҳририятга келган шикоят-хатини биргаликда ўқиб чиқсак:

"Энг яқин ишонган ва синашта одаминг хиёнат қилса, қонун посбони адолатсизлик билан иш тутса, асло чидай олмас экансан. Наҳотки ҳаётда шундай субутсиз, фирибгар, манфаатпарастлар бўлса-я!

Қиз бола палахмоннинг тоши деганларидек, тақдир мени Бухоронинг чекка бир қишлоғига олиб борди. Фарзандли бўлдим, яхши турмуш кечираётган эдим. Сўнг шаҳарга кўчиб келдик. Биз Жумаев Шавкат билан кўп йиллар давомида оилавий борди-келдимиз бор эди. Бу киши Россияга тижоратга бориб, чув тушиб қолди. Ўша кезлари мен Шавкатга ота-онам бағрига — Тошкентга бориб яшамоқчилигимни айтгандим. Кейин у: "Тошкент марказида икки хонали уйим бор, сотган уйингизнинг пулларини менга бериб туринг, Россиядан моллари келса, сотиб сизга бераман", деди. Мен бир ярим миллион сўмни қўлига тутқаздим. "Тилхатни нотариусдан ўтказайлик", десам, "Менга ишонмайсизми, анча йиллардан бери синаштамиз-ку!" — деб хотини билан мени алдаб кетди. Ҳозирда ҳовлили, данғиллама уйини укасининг номига ўтказиб, ўзи уч хонали уйига келиб яшаяпти. Кейин билсам, у одам бир қанча одамларни алдаб, пул олиб, бермай, фирибгарлик қилиб юрган экан. Пулимни сўраб борсам, мени роса ҳақоратлашди. Мен 1999 йил июнь ойида Тўқимачилик туман судига даъво аризасини бердим. Сўнгра ярим йил судга қатнаб чарчадим. Жумаевнинг тилхати қўлимда, лекин у: "Мен ёзмаганман бу тилхатни!" — деб тоняпти. Одам ҳам шунчалик ёлғончи ва субутсиз бўладими? Мен ҳозир касал бўлиб қолдим, уй-жойсиз қолиб, қизимнинг уйида яшаяпман. Илтимос, ёрдам беринглар".

Жаноб Рўзиев, даъвогар судга ариза берганидан кейин қонун бўйича қанча муддатда кўриб чиқиш керак бўлади?

СУДЬЯ: — Фуқаро даъво аризаси топширганидан кейин биз 40 кун ичида фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилишимиз керак. Жавобгар Жумаев Россия Федерациясига кетиб қолгани учун биз бу фуқаролик ишини ўз вақтида кўра олмадик.

МУХБИР: — Судья жаноблари, Сиз даъвогарнинг пул берганлигини исботловчи бирор ҳужжат ёки тилхат йўқ деяпсиз. Иш материалида тилхат бор-ку?

СУДЬЯ: — Агарда жавобгар тилхатни тан олмаган тақдирда суд хатшунослик экспертизаси тайинлашга мажбур.

МУХБИР: — Нега тайинламаяпсиз экспертизани? Шавкат Россияда эмас, уйида, буни ўзингиз ҳам биласиз.

СУДЬЯ: — Мен аризани қабул қилиш пайтида суҳбат ўтказиб, 300 минг сўм давлат божи тўлаши тўғрисида тушунтирганман. Даъвогар иложсизлиги учун давлат божини 35 минг сўмга тушириб, 3 ой муддат берганман. Давлат божи тўламагани учун мен фуқаролик ишини кўрмай турган эдим. 2000 йил январида давлат божи тўлагандан кейин, фуқаролик иши ҳаракатга киргизилиб, суд бошланган.

МУХБИР: — Судья жаноблари, одатда давлат божини даъвогар кирим кассасига тўлаши керак, шундайми?

СУДЬЯ: — Ҳа, албатта...

МУХБИР: — Нега бўлмаса, Сиз даъвогар Носировадан пулни...

СУДЬЯ: — ...

МУХБИР: — Даъвогар билан жавобгар ишига тенг кўз ва одиллик билан қараб иш тутилмаганда улар ўртасида албатта ўзаро низо келиб чиқади. Сиз буни яхши биласизку...

Бухоро шаҳар Тўқимачилик туман судьяси билан бўлган юқоридаги суҳбатдан сўнг беш ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Ҳалима Носированинг қўлига ҳал қилув қарори тегди. Буни қарангки, даъво аризаси берилгандан бир йил ўтиб, судья Рўзимамат Рўзиев раислигида бўлган суд мажлисида даъво аризаси тўла қаноатлантирилди. Хайриятки, судга бўзчининг мокисидай қатнаган жабрланувчининг 1,5 миллион сўми индексация қилинган ҳолда 2 миллион 241 минг 715 сўм деб белгиланди. Бироқ у эрта қувонган экан. Энг асосий иш — ижро бажарилмай ташлаб қўйилди. Уй-жойсиз қолган Ҳалима Носирова ҳалиҳамон қарор ижросини, аниқроғи, жавобгар Шавкат Жумаевдан ундириладиган пулининг бир сўмини ҳам ололмай сарсону саргардон бўлиб юрибди!

Бу ҳолни қандай баҳоламоқ керак?!

Мен судья Р.Рўзиев билан аччиқ-ширин суҳбатимиз мазмуни матнини Бухоро вилояти Адлия бошқармасига йўллаб, қуйидаги жавобни олдим:

"Тўқимачилик туман судининг судьяси Рўзимамат Жониевич Рўзиевнинг судьялик кафолати 2000 йил 5 июнда тугаганлиги учун уни эгаллаб турган вазифасидан озод қилинганлиги сабабли Ҳалима Носированинг шикояти билан боғлиқ хатингизни муҳокама қилишнинг имконияти йўқлигини билдирамиз.

У.С.ЖЎРАЕВ,
Бухоро вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари".

Ана жавобу, мана жавоб!

Қизиқ, судьянинг ваколати тугаб вазифасидан озод қилинганидан кейин у судьялик даврида кўрган ишлар ҳам бекор қилинадими Бухорода?

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
радиожурналист

Ол-а!

ФОТОФЕЛЬЕТОН

Ёмғир ёғаяпти, бу бинога кирганда шамсиянгизни йиғиб қўйманг, мана шу қизчадек бошингизни пана қилинг

Бу "ажойиб" манзара Мирзачўл туманидаги Усмон Носир номли 8-сон умумтаълим мактабидан жўнатилган. Суратлар сифатсиз бўлса-да, уларни далил сифатида эълон қилмоқдамиз. Суратларга илова қилинган мактубда ёзилишича, мактаб авария ҳолатига келганига бир неча йил бўлган. Ҳолбуки, ўқитувчи ва ота-оналар сўраб мурожаат қилмаган жой қолмаган. Келинг, яхшиси, умид билан ёзилган хатни ўқийлик:

"Спорт залига 2 йилдан бери кириш хавфли бўлгани учун

ҳеч кимса киролмайди.

Вестибюль (кириш залимиз) томи чириб тушиш арафасида. Шамол бемалол спортзал ва синфхоналарда сайр қилиб юради.

Қишда умуман газ босими бўлмагани учун газ батареялари ёрилиб кетган. Газни ҳам ўқитувчиларнинг ўзи ота-оналар ёрдамида пул йиғиб улаган эди. 2000 йилнинг май ойида мактаб ҳовлисидаги трансформаторни ҳам туманимизга олиб кетганича дом-дараксиз. Мактабга яқиндагина яна ота-оналардан пул йиққан ҳолда фақатгина 1-корпусига ток ўтказдик, холос. Электр симлари ёмғирда чириганлиги учун синфхоналарда ток йўқ. Умуман олганда, мактабда ичимлик сув, газ ва ток таъминоти йўқ десак ҳам бўлаверади, чунки бу ҳол нафақат мактабга, балки хўжаликка ҳам хосдир.

Балки ушбу суратларни кўриб тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутасаддиларининг ўқувчиларимизга раҳми келиб қолар?"

Раҳимбек ШАРИФЗОДА,
ўқитувчи

Муаллиф олган суратлар

Фикр

АДОЛАТ МЕЗОНИ

Демократия — "халқ ҳокимияти" дегани. Шунга кўра, демократик жамият халқнинг хоҳиш-иродасига кўра бошқарилади. Халқнинг бир жойга тўпланиб, давлатни бошқариш учун қонун ишлаб чиқишнинг амалда имкони бўлмаганлиги сабабли халқ вакиллари сифатида депутатлар сайланади. Депутатлар халқнинг хоҳиш-иродаси, дунёқараши, урф-одати ва эътиқодини ўрганиб, шунга мос тарзда қонунларни жорий этадилар. Ҳар бир давлатнинг демократияси ўзига хос бўлади. Чунки дунё халқларининг характери, эътиқоди, яшаш тарзи, урф-одатлари турфа хил ва тафовутли. Айтайлик, АҚШ демократияси ўзбек халқи характери ва эътиқодига умуман тўғри келмайди. Идеал демократия ёки дунё халқлари учун умумий бўлган демократияни тасаввур қилиш ғирт хомхаёлликдир.

Демократиянинг тўғри ёки нотўғри нарса эканлигига келсак, унинг муросасозликка, ўртача ечимга асосланганини бир эслаб олсак ёмон бўлмайди. Яъни, демократия оқни ҳам, қорани ҳам тенг кўради. Иккаласини ҳам бирдай ёқлайди, бирдай қўллаб-қувватлайди. Демократия халқ ҳокимияти деган маънони билдиради, бироқ халқнинг юз фоизи ҳам тўғри йўлдан юриши, оқни оқ, қорани қора дейиши мантиққа сиғмайди.

Ривожланган давлатлар демократиясининг 4 та белгиси кўзга яққол ташланади. Булар: а)сўз (фикр) эркинлиги; б)виждон (эътиқод) эркинлиги; в)шахс эркинлиги; г)мулк дахлсизлиги. Кўриниб турибдики, демократик жамиятда биринчи галда эркинликлар кафолатланади. Давлат эса эркинликларни назорат қилувчи воситага айланади.

Ушбу 4 белгига эътибор турли давлатларда турлича. Масалан, АҚШда мулк ва шахс эркинлигига катта эътибор билан қаралса, Россия ҳамда МДҲ (бундан олдин диктатура таъсирида яшагани сабабли) Сўз эркинлигига ташналик ва катта қизиқиш билан қарайди. Маъмурий буйруқбозлик тизими миямизга ўрнашиб қолганлиги сабабли Шахс эркинлигини талаб этишга журъат қилолмаймиз. Бу эркинликни хушламаслигимизнинг яна бир муҳим сабаби бор. Бу — эътиқодимиздир. Ислом эътиқодига кўра, шахс эркин эмас. Назаримда, у шариат қонунлари (Қуръони каримдаги ҳалол ва ҳаром ҳукмлари) асосида жамоат бўлиб яшашга мойил. Ғарб демократлари шахс қанча эркин бўлса, қанчалик худбинлашса, жамият шунча ривожланади, дейишади. Бироқ бундай вазиятда капиталистлар (мулкдорлар) пайдо бўлиб, ҳаётдаги бошқарувнинг асосий қисмини эгаллаб олишига замин яратади. Бизда диктатура тузуми даврида шахс жамиятнинг ажралмас қисми эди. Яъни, қачонки жамият ривожлансагина, шахснинг ҳаёти яхшиланади, дея ишонганмиз. Бор диққат-эътибор ишлаб чиқаришга (фикрга эмас!), жамиятга қаратилган эди. Бунинг оқибати нима бўлгани бизга маълум. Тизгинсиз демократиянинг оқибати ҳам шундай, балки ундан ҳам хатарлидир, менимча. Чунки жамият бошқарувини фақат халқнинг меъёрсиз хоҳиш-иродаси билан бошқаришнинг иложи йўқ. Иккинчидан, халқнинг хоҳиш-иродасига қўйиб берсанг, нималар қилмайди. Ечимсиз муаммолар кўпайиб кетади. Ҳамманинг кўнглини олиб иш тутиш эса кулгили, ўз навбатида аянчли ва жирканч манзараларга қўл қовуштириб қараб туриш билан тенг. АҚШ газеталарининг бирида қуйидаги статистик маълумот берилган: "Америкада 25 миллион йигит ўрталаридаги никоҳни (яъни, эркак билан эркак оила қуришини) қонуний деб эътироф қилиниши ва уларга ҳам табиий никоҳ ҳуқуқларидек ҳуқуқлар берилишини талаб қилганлар".

Газеталарнинг яна бири ушбу хабарни тарқатди: "Америкада бир миллион шахс ўзининг оналари, қизлари ва опа-сингиллари билан жинсий муносабатда бўлади".

Аслида демократияни шарқона, ғарбона дея фарқлаш ҳам ноўриндай. АҚШ ва Ғарб давлатларида демократия деб номланган бундай бузуқ манзараларни кўриб, биз шарқона демократия қурамиз, халқимиз характери у даражада ёмон эмас-ку! дея эътироз билдирмоқчи бўлсак, янглишамиз. Унда нима учун "демократия" бизга чиройли бўлиб кўриняпти? Ўйлаяпмизки, у орқали амалда оқсаётган қонунлар илдамлайди, сўз эркинлиги кафолатланади ва ҳоказо. Шундай экан, бизга демократия эмас, тўғрилик ва адолат керак. Тўғрилик, адолат бўлганда ҳам, Яратувчининг мезонлари билан ўлчанадигани керак. Бандаларнинг адолати турфа хил ва тафовутли. Ўғриям, тўғриям тўғриман, дейди. Ўз билганимча яшашга ҳақлиман дейди. Ҳакамлик ҳуқуқи Яратувчида экан, биз яхшиликка чорловчи ва ёмонликдан қайтаргувчи бир жамоат бўлиб яшамоғимиз жоиз.

Шундагина идеал жамиятга яқинлашган бўламиз.

Қайсар АЛИ

GLOBUS
international life

Сана

ХАСТАЛИКДАН САҚЛАСИН

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни эканини ҳамма ҳам билавермаса керак. 1947 йил айни шу куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) дунё юзини кўрганди. Шу сабабли ҳар йилнинг еттинчи апрелида дунё миқёсида саломатлик куни нишонланади, сана муносабати билан турли тадбир ва учрашувлар уюштирилади.

Ана шундай тадбирлардан бири БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ҳам бўлиб ўтди. Таомилга кўра бу йилнинг 7 апрели Руҳий саломатлик куни деб эълон қилингани боис ваколатхонада оммавий ахборот воситалари вакиллари учун психиатрия бўйича мутахассис билан мулоқот ташкил этилди. Матбуот анжуманида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Крал, ЖССТнинг юртимиздаги вакили Шуҳрат Зиёвуддинов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи мутахассиси Баҳодир Тошматов ва яна шу вазирликнинг даволаш-профилактика бошқармаси етакчи мутахассиси Журъат Умаралиев иштирок этди.

Тадбирнинг расмий очилишидан сўнг мутахассис Б.Тошматов Республикадаги руҳий саломатликнинг ҳолати бўйича маълумот бериб, жараённи атрофлича таҳлил қилди.

Матбуот анжуманидан англашилдики, ер юзида руҳий хасталик у ёки бу сабабларга кўра 400 миллион кишига хавф солмоқда. Хасталикнинг кўпайиш ёки аксинча, камайиш сабаблари мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва маданиятига боғлиқликда кўринаркан. Айниқса, наркомания бўлган жойда руҳий касалликнинг авж олиши кузатилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассиси маълумотига қараганда, Республикада руҳий хасталикка чалинган беморлар сони 318 мингни ташкил этади. Рўйхатга олинган беморларга давлат томонидан бепул дори-дармон, озиқ-овқат берилиб, текин тиббий хизмат кўрсатилсада, уларни даволаш жараёни билан боғлиқ муаммолар етарлича. Айтайлик, илгарилари Республика миқёсида айни шу соҳада икки мингдан зиёд врач ишлаган бўлса, бугунги шароитда бор-йўғи 228 нафар врач фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт институтларида таълим олаётган ёшларнинг деярли ҳаммаси тиббиётнинг ўта инжиқ йўналишларидан саналган руҳий касалликлар шифокори бўлишга рўйхушлик бермаяпти. Бунга асосий сабаб соҳанинг истиқболсизлиги дея баҳоланмоқда.

Шунга қарамасдан соҳани зарур мутахассис кадрлар билан тўлдириш вазирликнинг диққат-эътиборида эканлиги матбуот анжуманида қайд этилди.

Ф.КОМРОН

GEF

САҲРО ЯШИЛЛИККА БУРКАНАДИ

Табиатга инсон томонидан қилинган тажовузкорлик асло кечирилмайди. Афсуски, унга нисбатан кўп йиллар давомида шафқатсиз зулм ўтказиб келинди. Айниқса, пахта яккаҳокимлиги даврида қишлоқ хўжалигида мелиоратив ҳолатнинг бузилиши, сувнинг беҳуда исроф қилиниши боис ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига анча зиён-захмат етди. Келажаги ўйланмай қўйилган қадам ўта қимматга тушди — минтақада Орол фожеаси юзага келди. Сув танқислиги йил сайин ўзини кўрсатиб, кейинги даврда денгизга бир қатра ҳам сув тушмай қолди. Орол қуриб, унинг ўрнида ҳадсиз-ҳудудсиз чўлу биёбон, ўркач-ўркач қум барханлари пайдо бўла бошлади.

GEF. Сув - тириклик манбаидир!

Бугунга келиб, қарийб 1 миллион гектардан ортиқ денгиз тубидаги тузлар, химиявий моддалар қоплаган майдон очилиб қолди. Бу ердан кўтарилаётган чанг-тўзон эса далаю даштлар, шаҳару қишлоқлар устига ёғилмоқда. Бу мудҳиш фожеа табиатнинг биздан ўч олиши эмасмикин?!

Тўғри, Орол фожеасини бартараф қилиш учун кейинги йилларда бирмунча амалий ишлар қилиняпти. Аҳоли саломатлигини яхшилаш, уни муҳофаза қилиш мақсадида шифокорларнинг нуфузли гуруҳлари тиббий кўриклар ташкил этиб, дори-дармонлар келтириляпти. Бироқ бу етарли эмас, албатта. Бу йўл билан Орол фожеасини тугатиш амримаҳол.

Қўл қовуштириб ўтиришни ўзларига эп билмаган Қорақалпоғистон Республикаси ўрмончилари ишга киришдилар. Уч-тўрт йилдирки, денгиз чекиниб, ташлаб кетган ерларда чўл ўсимликларини экишмоқда. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Қизилқум саҳросида чўлга саксовул, черкез, қандим каби ўсимлик уруғлари экилган эди. Натижада қум барханлари яшилликка бурканиб, иҳотазорларга айлантирилган, қумларнинг кўчиб юриши барҳам топган эди. Қорақалпоғистонлик ўрмончилар мана шу тажрибани қўллашга дадил киришдилар.

Хайрли ишга бел боғлаган ўрмончилар чўлга яшил либос кийдириш мақсадида қудратли тракторлар ва "чўл кемаси" — туялардан самарали фойдаланиб, ҳар йили 17-18 минг гектар ерга уруғ сепаётган эдилар. Шу тахлитда ишни поёнига етказиш учун камида 35-40 йил вақт керак бўларди. Ўрмончилар ушбу муддатни қисқартириш мақсадида шоликорлар тажрибаси — уруғни самолётда сепишни синаб кўришга қарор қилдилар.

— Дастлабки уринишдаёқ бу усулнинг ниҳоятда самарали эканлигига ишонч ҳосил қилдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мурод Ғаниев. — Аммо поёнсиз қум барханлари "темирқанот қушлар" — Ан-2 самолётларининг учиб-қўнишига қийинчилик туғдирди. Нима қилиш кераклиги ҳақида кўп ўйламай дарҳол ҳар қандай об-ҳаво шароитида бемалол уча оладиган МИ-8 вертолётларини ёрдамга чақирдик. Бу техника ўз бортида 3 тоннагача уруғликни кўтариб, истаган жойга қўниб-учиш имкониятига эга эканлиги бизга жуда қўл келди. Айниқса, унинг варраклари шамолида уруғ ерга бир текис сепилиб, 700-800 метр квадрат майдонни эгаллашини таъминлайди. Бу — катта самара. Вертолётлар ёрдамида кунига 1000-1200 гектар ерга саксовул уруғи сепишга эришилаяпти.

Ўрмончилар ноябрь ойида пишиб тўкиладиган саксовул уруғларини йиғиштириб, асосан қиш ва эрта баҳор ойларида экадилар. Қор ва ёмғирдан намланган тупроқда уруғ тез етилади. Бу машаққатли ишнинг самараси эса май ойида яққол кўринади.

Ҳа, олисда — қирғоқдан 120 чақирим ичкарида қум барханлари ўртасида кузнинг изғиринли, қишнинг қировли ва баҳорнинг серёғин кунларида чанг-тўзонни писанд қилмай меҳнат қилаётган ўрмончиларнинг матонатига қойил қолмасдан илож йўқ. Шароит оғир, вагон-уйчаларнинг деразa-ромларидан, эшикларидан чанг-тўзон ёпирилиб кираверади. Чўл шароитида маҳаллий халқ тажрибасида синалган ертўлалардан фойдаланиш эса жуда қулай ва ихчамдир.

— Биз ишламасак, ким ишлайди? — дейишади ана шу ертўлаларда яшаб меҳнат қилаётган норғул йигитлар. — Шароит оғир деб, қўл қовуштириб ўтирган билан бошқа биров келиб биз учун ишлаб бермайди-ку?!

Ҳақ гап. Ўзимиз учун, она табиатимиз учун, инсон саломатлиги учун бу хайрли ишларни қилиш жуда ҳам зарур. Олис-олисларда ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, фидойилик кўрсатаётган қорақалпоғистонлик ўрмончиларга Бухоро "яшил қалқон"ини бунёд этишда тажриба орттирган мутахассислар қимматли маслаҳатларини аямаяптилар. Самарали тажрибани ишонч ва катта умид билан қўллашга киришган ўрмончилар Орол тубини яшилликка буркаш учун 3-4 йил кифоя, дейишмоқда. Тасанно! Бунга биз ҳам умид қиламиз. Уларнинг айтгани келсин, ишқилиб.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
"Ҳуррият" мухбири

Шарҳ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИДЕАЛЛИККА ДАЪВОГАРЛИК

Ўзбекистон — миллий тенглик ва тотувликни таъминлаш борасида ибрат!

Бугунги кунда дунё сиёсати ҳақида гап борганида инсон ҳуқуқлари масаласи ҳамиша долзарб бўлиб майдонга чиқиб қолади. Бундай пайтда кўпинча ўзларини инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари деб ҳисоблайдиган давлатлар бу масалада ҳакамлик даъвоси билан чиқадилар ва бошқа давлатлардаги инсон ҳуқуқларининг аҳволи ҳақида ўзларича ҳукм чиқарадилар. Бу ҳукмнинг ижроси мажбурий бўлмаса-да, кўп ҳолларда давлатлараро муносабатларда ундан босим ўтказиш воситаси сифатида фойдаланадилар.

Умуман, инсоннинг нечта ҳуқуқи бор? Эҳтимол, мингтадир ёки ундан ҳам кўпдир. Буни ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмаган. Хўш, инсон ҳуқуқларининг бузилиши қандай мезонлар асосида ва кимлар томонидан аниқланади?! Тўғриси, инсоннинг минглаб ҳуқуқлари ҳақида аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Тузумлар, давлатлар, мафкуралар ва манфаатлар ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд экан, бунинг иложи ҳам йўқ. Ҳар ким ўзини ҳақ деб ҳисоблайди ва бировнинг ҳақиқатини тан олмайди.

Энди инсон ҳуқуқларининг бузилиши кимлар томонидан аниқланишига келсак, бу борада ҳам аниқ ўлчов йўқ. Эҳтимол, турли давлатлардан вакил қилинган юристлар уюшмасига шундай ваколат берган маъқулдир. Бироқ амалда ундай бўлмаяпти: ҳакамлик вазифасини сиёсатчилар бажаришяпти. Улар ўзларининг сиёсий қарашларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари бўйича давлатларни "қора", "сариқ" ва "оқ" рўйхатларга киритмоқдалар.

Турли сиёсий қарашдаги давлат арбоблари, кичик амалдорлар, парламент аъзолари, ҳуқуқшунослар, олимлар, журналистлар, оддий фуқаролар уюшган бундай ташкилотлар анчагина. Уларнинг бири бирорта давлат ихтиёрида бўлса, бошқаси нодавлат ташкилот ҳисобланади. Улар дунё миқёсида "назорат" ўрнатиб, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги бўйича ўз ҳукм-хулосаларини чиқариб туришади. "Хьюман райтс вотч" ана шундай нодавлат ташкилотлардан бири. Бу ташкилот кўпинча кимдандир ёки нимадандир норози бўлган одамларнинг маълумотларига асосланади. Бундай маълумотлар тўғрилигига ҳеч ким кафолат бермайди. Фақат "Хьюман райтс вотч" ташкилоти эмас, балки хорижнинг баъзи оммавий ахборот воситалари ҳам ана шундай шубҳали одамлардан маълумот олишади.

Бундан беш йил олдин юз берган бир воқеани эсланг. Кутилмаганда жаҳондаги барча оммавий ахборот воситалари Интерфакс ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири С. номаълум кишилар томонидан сирли равишда қатл этилганлиги ҳақида шов-шув кўтаришди. Шу пайт атайлаб пуфланган совун пуфак ёрилиб кетди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот идоралари Россия элчихонаси ходимлари билан биргаликда ҳақиқатни аниқлашди. Маълум бўлишича, С. кечаси акасиникидан маст ҳолатда чиқиб қоронғида ариққа тушиб кетиб ҳалок бўлган экан. Ёлғон маълумот учун ҳеч ким жазоланмади ҳам, бундай хабарни тарқатган оммавий ахборот воситалари узр сўраб раддия ҳам беришмади. Ана сизга ҳақиқат! Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мен сиёсий шарҳловчи сифатида хорижнинг баъзи ахборот воситаларида инсон ҳуқуқлари тўғрисида берилаётган шарҳлар билан танишиб бораман.

Танишиб бораман-у, бирёқламаликни кузатаман. Баъзи давлатларга атайлаб тамға босилса, баъзи давлатлар сирли равишда четлаб ўтилади. Баъзан инсон ҳуқуқлари тор маънода тушунилади ёки ўзгаришлар ва ютуқлар атайлаб айтилмайди. Шарҳда мантиқ бўлмайди. Баъзан терроризмга, ваҳҳобийлик ва "ҳизбут-таҳрир" ҳаракатларига қарши кўрилаётган чораларни инсон ҳуқуқлари билан боғлашади, мусулмон кишининг шахсий-диний эътиқоди билан диний ниқоб остидаги бузғунчиликни қориштириб юборишади. Мансабпараст, ҳадяпараст ва турли оқимларга хизмат қилувчи ақидапараст одамларнинг ҳимоячиси сифатида оҳ-воҳ қилишади. Ахир эътиқод бошқа-ю, ғаразли мақсад бошқа-ку!

Ёки, яна бир масалани олайлик. Бизда ҳақиқий миллий тотувлик мустақиллик йилларидагина шаклланди ва ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди. Яширишнинг ҳожати йўқ, совет даврида русийзабонлар имтиёзи яққол кўзга ташланиб турарди. Бизда ҳозир ўзбеклар билан Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатга мансуб халқлар ўртасида на ишлашда, на ўқишда, на ижтимоий ёрдам масалаларида, на фуқаролик масъулиятида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳатто хориждан келиб вақтинча ишлаётганлар ҳам биз билан тенг имкониятларга эгадирлар. Ваҳоланки, айрим давлатларда туб аҳолининг имкониятлари ва имтиёзлари бошқа миллатга мансуб кишиларникидан кескин фарқ қилади. Бунга мисоллар кўп. Жумладан, яқинда мен дунёдаги энг бой давлат - Кувайтда бўлдим. Бу ерда ишлаётган филиппинликлар, шри-ланкаликлар билан суҳбатлашдим. Уларга тўланаётган иш ҳақи туб аҳолиникига қараганда ўн-ўн беш баравар кам экан. Бир шри-ланкалик давлат секторида ишлаётган автобус ҳайдовчиси ойига 80 динор олишини айтди. Кувайтлик шундай ҳайдовчи эса ойига 600 динордан ошириб иш ҳақи оларкан. Менимча, Ўзбекистонда миллий тенглик ва миллий тотувликни таъминлашда эришилган ютуқлар кўпгина давлатларга ибрат бўла олади. Буни хорижлик ҳамкасблар тан олишлари ва дунё халқларига айтишлари керак. Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп динли давлат. Шу пайтгача бирорта миллат ёки исломдан бошқа бирорта дин вакилининг таъқибга учраётганлиги ҳақидаги бир оғиз ҳам гапини эшитганимиз йўқ. Бу инсон ҳуқуқлари масаласида Ўзбекистон эришган ғалабалардан бири эмасми?!

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ким қандай тушунади? Бу жуда муҳим. Жумладан, мен Россиядаги ҳаётни мунтазам кузатиб бораман. Назаримда, демократия билан бошбошдоқлик қоришиб кетгандай. Менимча, Путин мамлакатда бошбошдоқлик ва уруш ҳолатини тугатиб, Россияда тартиб-интизом ўрнатиш чорасини кўраяпти. Акс ҳолда мамлакат сиёсий ва иқтисодий инқироз исканжасида қолиши аниқ. Бу эса қўшни давлатлардаги ички ва ташқи вазиятларга ҳам таъсир қилади. Россиядаги барқарорликдан ҳамма манфаатдор. Бошбошдоқликни ёки ҳақоратни демократия деб тушунмаслик керак. Баъзи ҳамкасбларим мени тўғри тушунишсин, "НТВ" телеканалидаги айрим чиқишларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёки демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Эрталабдан тун ярмигача давлат раҳбарини, ҳукумат аъзоларини ва ҳукумат сиёсатини қоралайвериш сўз эркинлигига кирмайди. Ҳар нарсанинг меъёри бўлиши керак.

Лекин ҳеч бир давлат ўзида тинчликни сақлаб бошқа ерда жанжал чиқишидан манфаатдор бўлмаслиги керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, яқинда Путин тантанавор руҳда берган баёнот кишини ташвишлантиради. Россия ўтган йили чет давлатларга 2,4 миллиард долларлик қурол сотиб катта иқтисодий самарага эришибди. Давлат бундан кейин ҳам шу йўлдан борар экан. Демак, бу қурол асосан уруш бўлаётган жойларда ишлатилади. Инсон ҳуқуқлари эса биринчи навбатда уруш бўлаётган жойларда бузилади. Яқин Шарқ, Югославия-Македония бунга мисол бўла олади. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари кўпроқ шу ҳақда бош қотиришлари керак ва шундан келиб чиқиб дунё сиёсатига таъсир ўтказишлари зарур.

Яқин Шарқни олайлик. Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида ҳамда Ғазо секторида уч юз нафарга яқин фаластинлик қурбон бўлди ва бир неча минг киши яраланди. Бунга Фаластин ёки Исроил айбдорми? Нега стратегик иттифоқчилар ортиқча куч ишлатмаслик ёки бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлмасликлари учун бир-бирларини назорат қилмайдилар? Отиш учун бировнинг қўлига қурол бериб қўйилади-да, фожеа юз берганидан кейин "нега отдинг?" деб танбеҳ берилади. Қани мантиқ? Бу ерда, очиғи, холислик кўринмаяпти. Нега бу ердаги инсонларнинг ҳуқуқлари бузиляпти?

Кўпинча инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари доим бир хил давлатларни танқид қиладилар. Негадир Осиё ёки Африкадаги аксарият давлатларни тилга олишмайди. Нима, Ғарб демократияси бутун Африкани эгаллаб бўлдими? Эҳтимол, Америкада ва Европада қора танли инсонларнинг ҳуқуқлари бузилмай қўйгандир. Ёки, Осиёдаги подшоҳликлар, амирликлар, султонликларда-чи? Наҳотки, уларда сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимояланиши жаҳон стандартлари даражасига етган бўлса? Ишониш қийин. Тўғриси, манфаат бор жойда муносабат ўзгаради. Айрим давлатларга нисбатан инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг муносабатлари ўзгарганлиги боиси шундан.

Мен сиёсий шарҳловчи сифатида фақат шахсий хулосаларимни баён қилдим. Бу хулосалар кўп йиллик кузатишлар натижасида юзага келган. Лекин мен шу нарсага аниқ ишонч ҳосил қилдимки, дунёда ҳақиқий демократия ва инсон ҳуқуқлари масаласида мутлақ идеалликка даъво қиладиган давлатнинг ўзи йўқ. Худди одамлар ўртасида бўлганидек, давлатлараро муносабатларда ҳам манфаатдорлик барибир у ёки бу даражада ҳар қандай идеалликдан устунлик қилади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи
"Туркистон-пресс"

Таҳлил

ГЛОБАЛ ЖИНОЯТЛАР АНАТОМИЯСИ

Ядровий материаллар савдоси. Совет Иттифоқи тарқалиб кетиши билан унинг қўл остидаги улкан ядровий қуроллар, радиоактив моддалар етарли даражада муҳофаза қилинмайдиган бўлиб қолди. Бундан эса жиноий гуруҳлар стратегик ядровий потенциални қўлга киритишда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Германиянинг ўзида 1992 йили 59 марта радиоактив моддаларни ноқонуний равишда сотиб олиш таклифи бўлган, 99 марта радиоактив материаллар сотилган, шундан 18 таси қўлга олинган. 1993 йили радиоактив моддалар билан ноқонуний савдо қилишнинг 241 факти аниқланган. Ушбу жиноятни содир этган шахсларнинг асосий қисми Россия, Чехия, Польша фуқароларидир.

1994 йили немис полицияси 6 грамм плутонийни сотишга ҳаракат қилган шахсларни қўлга олди. Собиқ Иттифоқ давлатлари қўлида қолган радиоактив материалларни муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмаётганлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Гарчи ядровий материаллар билан ноқонуний савдо қилиш бозори ҳали вужудга келмаган бўлса-да, бундай жиноятнинг бир марта содир этилиши ҳатто радиактив моддалар билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиш натижасида катта экологик фалокат келиб чиқиши мумкин.

Автомобиль ўғирлиги ва контрабанда. Жуда катта ҳудудларни қамраб олган глобал жиноятлардан бири автомобиль ўғирлаш ва уни контрабанда қилишдир. 1989 йилдан 1993 йилгача автомобиль ўғирлиги Европада уч баравар ошди.

Айниқса, Гонконгда бу масала мураккаблигича қолмоқда, бу ердан ўғирланган автомашиналар тезюрар катерларда Хитойга яширин олиб ўтилмоқда. Сиёсий ўзгаришлар натижасида Шарқий Европа ушбу жиноятларнинг марказига айланди. Польша ўғирланган автомобилларни ўтказишнинг асосий пунктига айланиб, Болтиқбўйи, Украина, Россия, Қозоғистон, Кавказга ўғирланган машиналар айнан шу ердан ўтмоқда. Жиноий фаолиятнинг ушбу турида болгар ва рус жиноий гуруҳлари етакчилик қилмоқда.

Ноқонуний миграциянинг уюшган шакллари. Трансмиллий жиноятчиликда энг муҳим воқеалардан бири — одам савдосининг ўсиши бўлди. БМТ маълумотларига қараганда, жиноий гуруҳлар ҳар йили бир миллион кишини ривожланмаган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга олиб ўтади. Жиноий гуруҳ олиб ўтган эмигрантлар асосан жиноий фаолият билан шуғулланади ва уларни олиб ўтган гуруҳга доимий қарам бўлиб яшайди. Масалан, аёллар фоҳишалик билан шуғулланадилар, эркаклар ва болалар эса наркокурьер вазифасини ўтайдилар. Ғарб давлатлари учун асосан Хитой эмигрантлари катта муаммо туғдирмоқда. Нафақат АҚШ, балки Буюк Британия, Голландия, Франция каби Европа давлатлари ҳам ноқонуний эмиграциядан ташвишга тушмоқдалар. 1993 йили АҚШга киришга 1,2 миллион ғайриқонуний уриниш бўлган. Инсонлар контрабандаси билан шуғулланувчилар масъул мансабдор шахслар билан тил бириктириб, ўз фаолиятларининг янги-янги усулларини ихтиро қилмоқдалар. Ушбу жиноий фаолият ҳар йили 3,5 миллиард доллар фойда келтириши ҳисоблаб чиқилган.

Уюшган фоҳишабозлик. Туризмнинг ривожланиши билан жиноий фаолиятнинг ушбу тури айниқса кенгайди. Ушбу фаолиятга япон ва хитой жиноий гуруҳлари етакчилик қилмоқда. Филиппин, Жанубий Корея, Таиланд давлатида ушбу бизнеснинг турли шакллари ривож топди. Масалан, унинг шаклларидан бири ота-оналарнинг ўз қизларини бошқа давлатлардаги бой эркакларга қайлиқ сифатида сотиш бўлмоқда. Фарзандликка олишдан ҳам жиноий мақсадларда фойдаланилмоқда.

Инсон танаси аъзолари билан савдо қилиш. Ҳозирги вақтда ҳеч қайси давлатда инсон танаси аъзоларининг трансплантация қилиниши операциялари кутиб турган инсонларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди.

Статистик маъумотларга қараганда 1991 йили АҚШда 24 минг киши трансплантация билан боғлиқ операцияларга навбатда туришган экан. Инсон танаси аъзоларига бўлган талаб ўсиб, жиноятни келтириб чиқармоқда. Дунёнинг барча давлатларидаги қаровсиз камбағал болалар трансплантация учун объект бўлмоқда. Инсон танаси аъзоларини сақлаш муддатини узайтириш имкониятининг вужудга келиши бу жиноятлар учун янада қўл келмоқда. Аргентинада, Германия ва Россияда клиник ўлим ҳолатида бўлган беморларнинг миясининг сохта скинограммаларига асосланиб, тана аъзолари ажратиб олинмоқда.

Инсон танаси аъзоларининг асосий мижозлари Ғарбий Европада ва АҚШда бўлса, сотувчилар эса Гондурас, Мексика, Перу, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари бўлмоқда. Тиббиёт соҳасидаги мансабдор шахслар ва мутахассислар орасидаги коррупция юқори даромад келтирувчи ушбу бизнесга ихтисослашган клиникаларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Маданий объектлар ва санъат асарларига тажовуз. Бадиий ва археологик санъат асарларининг ўсиб бораётган бозори жиноий гуруҳларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Бундай жиноятларнинг биринчи категорияси ривожланаётган асосий мамлакатлар собиқ Совет Иттифоқи, Шарқий Европа давлатларидаги музейлар, шахсий коллекцияларга қарши қаратилган бўлса, иккинчиси археологик қазилмалар олиб борилаётган жойлар ёки маданий ёдгорликлар, ибодатхоналардаги санъат асарларига тажовуз қилмоқда.

БМТнинг, Юнесконинг ўғирланган маданият ёдгорликларини қонуний эгаларига қайтаришга қилган ҳаракатлари ҳозирча кутилган самара бермаётир.

Халқаро банк-кредит тизимида кредит карточкалар ва информацион технологияларнинг кириб келиши билан ушбу соҳадаги жиноятлар сони ҳам кескин ўсиб бормоқда. Табиий бойликлар, ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар, қушларга нисбатан жиноий тажовузлар, уларнинг контрабандаси табиат дунёсига катта зарар етказмоқда.

Жаҳон жиноятчилик саноатининг қисқача таркиби ана шулардан иборат.

Бироқ юқоридаги баёнлардан инсоният жуда катта хавф остида экану, бунга қарши чоралар кўрилмаётган экан-да, мазмунида мулоҳазага бормаслик керак. Негаки, қайд этилган салбий ҳолатларга қарши жаҳон миқёсида кескин кураш олиб борилаётгани ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ахборотлар оқими тўхтагани йўқ. Оддий мисол, Колумбияда наркобизнесга қарши кураш кескин кучайтирилгани, бу тадбирга АҚШ жуда катта маблағ ажратгани, алҳол илк ижобий натижалар кўриниб ҳам келганидан жаҳон жамоатчилиги яхши хабардор.

Диний экстремизм, халқаро терроризмга қарши курашда мустақил Ўзбекистон раҳбарияти қатор асосли ташаббуслар билан чиқиши натижасида кўпгина хайрли тадбирлар амалга ошаётганига ҳам бугун дунё гувоҳ.

Юқорида санаб ўтилган глобал жиноятлар ҳудуд, минтақа, ҳатто чегара билмас экан, уларни бартараф этиш фақат ва фақат жипслик, ҳамкорликда ишлаш сингари чоралар кун тартибига чиқаверади.

Кун тартибида кўндаланг турган бу масала қайси давлатда нечоғли ўз ечимини топаётгани эса алоҳида мавзу.

Беҳзод МЎМИНОВ,
ИИВ Академияси тингловчиси

(Охири. Боши ўтган сонда)

"Эски Жўва" деҳқон бозори

ОАЖнинг кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий мажлиси 2001 йил 20 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур тумани бозор майдонидаги 28–уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

Жамият низомига ўзгартириш киритиш.

Йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ёки уларнинг вакилларини рўйхатга олиш 20 апрель куни соат 10дан бошлаб юқоридаги манзилда қайд этилади. Йиғилиш бўйича тайёрланган барча ҳужжатлар билан акциядорлар жамият идорасига мурожаат этиб танишишлари мумкин.

Кузатув кенгаши



Олис ўлкалар "садоси"

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — Г -

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Тафтиш

КАТТА ЛЕЙТЕНАНТНИНГ ҚИСМАТИ

Ёхуд қўшмачи аёлнинг ахлоқ милицияси нозири Саидаҳмад Рауповни қандай қилиб қаматгани ҳақида

Ахлоқ посбони С.Рауповнинг қисматига айланган бу воқеалар 1994-95 йилларда содир бўлган. Унинг аламли саргузашти ҳақидаги ҳужжатлар қайсидир архивда моғор босиб ётгандир. Лекин С.Рауповнинг кўнгил жароҳати ҳамон қонаб турибди.

С.Рауповга берилган тавсифномада: "...Жумладан, 1994 йил ҳисобида "хавфли гуруҳ"га кирувчи шахслардан 80 таси устидан маъмурий чора кўриб, 7 та жиноий иш қўзғатди", — деб ёзилган.

Фаҳш ва ахлоқсизликка муросасиз милиция зобитини қаматган аёл — Ш. эса С.Рауповнинг "хавфли гуруҳ"га кирувчи 80 та шахснинг энг фаолларидан бири, яъни 1992 йил 13 июндан бошлаб Денов туман ИИБ томонидан ўз уйини яширин "севги маскани"га айлантирган қўшмачи сифатида назоратга олинган. Унинг бу "қадимий касб" соҳасидаги сершовқин фаолияти ҳақидаги бир уюм ҳужжатларни ўқиб чиқиб... ирганиш мумкин, холос.

Иккинчи даъвогар шахсий "Камаз" автоулови ҳайдовчиси Ш.Менгнор эса ўз қонуний хотини ва фарзандлари борлигига қарамай, ўзининг кўргазмаси бўйича 1993 йилдан бери Ш. билан "эр-хотин" бўлиб яшаётган кимса, яъни Ш.нинг ўйнаши. Бу "эр-хотин"ларнинг маънавияти ҳақида гапирсак... 1994 йил 22 февралда Ш.нинг назорат остидаги уйида қўлга олинган бегона эркак милиция ходимларига берган тушунтириш хатида: "Ш. билан жинсий алоқа қилгани келган"лигини баён этган. Ана вафо-ю, мана садоқат!

Қаҳрамонларимиз ҳақида тасаввур ҳосил қилган бўлсангиз, қама-қамалар тафсилотига ўтсак.

С.Раупов қўшмачи Ш.га дахлдор бўлган икки ҳолат бўйича айбланган:

— **Биринчи ҳолатда** С.Раупов вилоят бўйича Ички ишлар бошқармаси ўтказаётган тадбир асосида хизмат вазифаси юзасидан 1994 йил 10 декабрда ноқонуний "севги маскани" — Ш.нинг уйига текшириш учун борган ва табиийки, бу текшириш қўшмачи Ш.га ёқмаган. Орадан бир неча кун ўтиб Денов туман прокуратураси ходими С.Рауповга Ш.нинг "Прокурор билан яхши..." эканини айтиб, ундан "Ш.ни тинч қўйишни" талаб қилган.

— **Иккинчи ҳолатда**, 1994 йил 31 декабрда ўз бошлиқлари топшириғи билан гумондаги "Камаз" машиналарини текшираётиб, ДАН ходими билан бир "Камаз" машинасини тўхтатган. Тасодифнинг қисматга айланишини кўрингки, бу машинанинг ҳайдовчиси Ш.нинг ўйнаши Ш.Мингнор бўлиб чиққан. Ш.Мингнор милиция ходимининг талабини бажармаганда С.Раупов уни мажбурлаб енгил машинага миндирган. Айблов бўйича ўша пайтда С.Раупов Ш.Мингнорнинг бармоғини синдирган эмиш.

"Огоҳлантирилганига қарамай" қўшмачи Ш.нинг манфаатларига зид ҳаракат қилган С.Рауповга нисбатан Денов прокуратураси жиноий иш қўзғади.

Тазйиқлар жонига теккан нозир вилоят ИИБ бошқармасидан ҳар икки ҳолат бўйича "хизмат текшируви" ўтказишни талаб қилди. Вилоят ИИБ юборган комиссия обдон текшириб, қўшмачи Ш. билан унинг ўйнаши Ш.Мингнорнинг С.Раупов устидан Денов прокуратурасига ёзган аризаси "хусумат билан қилинган туҳмат" деган хулосага келди. Текширувда М.Шермоновнинг синган бармоғини "даволаган" Олтинсой туман касалхонаси сексопатологи (чунки врач травматолог виждонли одам бўлган) берган касаллик варақасининг қалбаки эканлиги исботланди ва М.Шермоновнинг бармоғи бу воқеалардан анча илгари синганлиги аниқланди.

Комиссия хизмат текширувига оид барча ҳужжатларни прокурорга тақдим этди, лекин бу ҳужжатларнинг С.Рауповга фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегди... ўз шаънини ҳимоя қилаётган мелисаларга прокурор кучини кўрсатмоқчи бўлди... ва кўрсатдиям!

ХИЗМАТДА ҲАЛОЛЛИК

Ҳар қандай можаронинг адолатли ҳал бўлиши шу ишни текширган ваколатли кимсанинг ўз вазифасини ҳалол бажаришига боғлиқ эканлиги оддий ва жўн ҳақиқат.

Денов шаҳрида анчайин машҳур бўлган қўшмачи Ш.нинг С.Рауповга туҳмат қилаётгани шаҳарда барчага маълум эди. С.Рауповнинг "жиноят"ини дастлаб туман прокуратураси ходимлари Мусулмонкулов, терговчи З.Абдуллаев кўриб чиқиб, унинг айбсиз эканига амин бўлгач, прокурор бу ишни илгари суд ижрочиси бўлиб ишлаган ва яқингинада терговчи вазифасига қўйилган Б.Эшонқуловга топширди. Янги терговчи прокурорнинг ишончини оқлаб "у" қилди, "бу" қилди, С.Рауповни "ўз мансабини суиистеъмол қилган"ликда ва Ш.Мингнорга "тан жароҳати етказган"ликда айблаб берди. Ҳамма воқеадан хабардор бўлган Денов туман суди судьяси бу ишни кўрмади. Жиноят иши Шеробод туман судига ошириди.

Прокуратура ходими Мусулмонкулов ҳам, терговчи З.Абдуллаев ҳам, Денов туман суди раиси ҳам бу адолатсизлик йўлини тўса олмаган бўлсалар-да, бу нопок ишга қўл уришни истамаганликларининг ўзиёқ таҳсинга сазовор!

С.Рауповнинг айбсизлигини исботловчи ҳужжатлар шунчалик кўплигига қарамай, айблов хулосаси қонунларга ҳақорат даражасида бир ёқлама чиқарилди. Ваҳоланки, ҳужжатлардан хулоса чиқариш учун терговчининг ўз вазифасига ҳалол қараши-ю, қонунларни ҳурмат қилиши кифоя эди. Илло, шу нарсалар етишмабдими, даъвогар Ш.Мингнорнинг бармоғи синганлиги ҳақидаги касаллик варақасини врач гинеколог ёзиб берганда ҳам... С.Рауповни қамаш керак экан, қамалди.

СУД ҲУКМИ БИЛАН

Жамиятимизда янгиланиш жараёни шиддат билан давом этаётган бўлса-да, 1994-95 йилларда ҳали судлар ўз мустақиллиқларига етарлича кўникмаган эдилар. Прокуратуранинг мавқеи суддан баланд деган тушунча бизга собиқ Иттифоқ мафкурасидан мерос бўлиб қолган иллат бўлиб, ундан қутулиш осон кечмаяпти.

"Танаси бошқа дард билмас" деганларидек, Шеробод туман суди судьяси Дўстмуродов осон йўлдан борди. Унинг 1995 йил 23 декабрда С.Рауповга нисбатан чиқарган ҳукмида худди дастлабки терговнинг айблов хулосасидагидек қонуннинг барча талаблари бузилган десак лоф бўлмайди.

Ҳукмда:

— Даъвогар Ш.нинг қўшмачи сифатида Денов туман ИИБ назоратида турганлиги ва унга нисбатан бир неча бор чора кўрган С.Рауповга нисбатан шахсий адовати борлиги ҳақида "лом-мим" дейилмаган ва бу ҳол мутлақо ҳисобга олинмаган.

— С.Раупов айбланган ҳар икки ҳолатда ҳам унинг ўзи бўйсунадиган раҳбариятнинг бевосита буйруғи асосида ўз вазифасини бажаргани маъмурий ҳужжатлар билан тасдиқланиб турганига қарамай суд томонидан "хизмат вазифасига ҳеч қандай зарурат бўлмаса-да..." — дея нотўғри баҳоланган.

— Суд томонидан вилоят ИИБ комиссияси ўтказган хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар қонунга хилоф ҳолда асоссиз инкор қилинган.

— Судда ҳам дастлабки терговдагидек фақат қўшмачи Ш. ва унинг ўйнаши Ш.Мингнорнинг кўргазмалари асоссиз бўлса-да, тўлиғича инобатга олиниб, С.Раупов фойдасига берилган асосли ҳужжатлар ва кўплаб гувоҳларнинг кўргазмалари мутлақо рад этилиб, ашаддий бир ёқламаликка йўл қўйилган.

Ажабо, наҳот умрини эл-юрт осойишталигига бағишлаган ўнлаб милиция зобитлари ва ўз ҳалол меҳнати билан кун кечираётган 40 дан ошиқ гувоҳлар ёлғон гапирса-ю, қўшмачи Ш. ва унинг ўйнаши рост гапирган бўлса! Буни баҳолашда судья қандай қонуний ва ахлоқий мезонлардан фойдаланган... номаълум.

Ҳукмда қайта-қайта С.Рауповнинг қўшмачи Ш. ва унинг ўйнаши Ш.Мингнорнинг "шаънини ҳақоратлаб", "обрўсини тўккани" таъкидланган. Биз содда одамлар эса қўшмачининг "обрўси" ва зинокорнинг "шаъни" деганда судья нимани назарда тутганини тушунишга ожизлик қилдик.

Адолатнинг ҳам, адолатсизликнинг ҳам муддати ўтмас экан. Мана, орадан 5 йил ўтибдиямки, С.Раупов адолатдан умид қилиб яшаяпти. Бу 5 йил давомида мақоламиз қаҳрамонларининг тақдири турлича кечди. Бу орада кўп сувлар оқди... жамиятимизда "демократия", "қонун устуворлиги" каби тушунчаларнинг обрўси ортиб бормоқда.

С.Рауповни қамоққа олишга қарор чиқарган Денов туман прокурори С.Раупов воқеаларидан кейинроқ Денов тумани "Чағониён" газетаси муҳарририга ўтказган тазйиқлари билан республикамизга "машҳур" бўлди... ҳозир истеъфода.

Қўшмачи аёл Ш. ноқонуний эгаллаб яширин "севги маскани"га айлантирган уйидан Денов суди ажрими билан чиқарилиб, Сариосиё туманига кўчиб кетди. Сариосиё туманида ҳам бу аёлнинг "борлиги" билиниб туради. 1999 йил май ойида маст ҳолда милиция ходимларини ҳақорат қилганлиги учун Сариосиё туман суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган.

С.Рауповга келсак, бу ахлоқ посбони 1995 йил 23 декабрда Шеробод туман суди судьяси Дўстмуродовнинг ҳукми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиниб, суд залида қамоқдан озод қилинди. Гўё адолат ғалаба қилгандек... Лекин унинг ички ишлар тизимида узоқ йиллар қилган ҳалол хизматлари қуйди, шаъни таҳқирланди, адолатга ишончи камайди.

Учрашган пайтимизда С.Раупов:

— Қамоқдан чиққанимдан кейин... бозорда Ш. билан учрашиб қолдим, — деди кўзига ёш тўлиб. — Кўпчиликнинг олдида: "Ҳой милиса, ҳақиқатингни топдингми? Мана қонунинг..." — деди этагига шапатилаб. Ўлимимга рози бўлиб кетдим. 5 йилдан бери ариза ёзаман. Наҳот бу ишни текшириб адолатли ҳал қиладиган биттагина ҳалол, билимдон мутахассис ҳуқуқшунос топилмаса?!

С.Рауповга:

— Аллоҳга шукрким, юртимизда билимдон, ҳалол ҳуқуқшунослар кўп. Адолатга ишониб яшанг! — демоқчи бўлдиму, айтолмадим — ишонмаслигидан қўркдим.

Ватанимизнинг зукко, ҳалол ҳуқуқшунослари!

Мен Рауповга тасалли бера олмадим, лекин сизларга чин дилдан мурожаат қиламан:

— Адолат ҳаққи-ҳурмати Сурхондарё вилоят Денов тумани ички ишлар бўлими ахлоқ милицияси нозири, милиция катта лейтенанти Раупов Саидаҳмадга ёрдам беринг! Зеро... ўғри қозидан зўр чиқса, фоҳиша туҳмат билан ахлоқ посбонини қамата олса... барчамиз учун яхшилик аломати эмас!!!

Холиқ ХУРСАНДОВ,
"Ҳуррият" мухбири

Фельетон

"ЧОЙХОНАДА ЎЛГАН ОТАМ"

Ўша пайтларда бир-бирига бақамти тушган бу икки маҳаллада маишат, улфатчилик авжга чиққан эди. Тўртта чойхона бор эди. Тўртови ҳам бир-бирини гоҳ тасдиқлаб, гоҳ инкор қилиб тинмай баҳслашар, азамат паловхўрларни кўпроқ жалб этиш мақсадида бир-бирларини синдириш пайидан бўлар, шу мақсадда атлас кўрпачаларни тўшаш дейсизми, оталар бурчагини безаш дейсизми, беданаларни басма-басига сайратиш дейсизми, рангли телевизорларни қўйиш дейсизми, аския кечаларини уюштириш дейсизми, чойхона паловнинг шифобахш хосияти ҳақида тажрибали паловхўрларнинг суҳбатларини уюштириш дейсизми, тўйиб-тўйиб ичишлару, кунингдан бир кунинг қолса палов егин, пулингдан бир сўминг қолса палов егин, дея хиргойи қилишлар дейсизми, бир-биридан ўтказиб юбориш мақсадида, масалан, хандон пистаю чақилган бодому апельсину мандаринларни уйиб ташлаш дейсизми... Хуллас, ҳамма-ҳаммаси авжга чиққан эди.

Баъзи бир номдор паловхўрлар уйидан таом емай ҳам қўйган эди.

Ана шундай кунларнинг бирида Х. исмли йигит тонг саҳарда наҳорги ошга борибди, соат ўн бирларда маҳалланинг худойи ошини мақтаб-мақтаб ейишибди, соат иккиларда улфатчилик бошланиб, қазили паловхонтўрани ўртага олишибди. Хўп ичишибди. Гуруч бурунларидан кўриниб қолгунча оша-оша қилишибди. Кеч соат еттига яқин ҳали айтганимиз Х. исмли йигит ичаги буралиб, жонажон чойхонасида омонатини топширибди. Сақлашнинг ҳеч иложи бўлмабди, чойхоначи марҳумнинг иягини бойлай туриб, бунақа азамат ошхўр энди дунёга келмаса керак деб йиғлабди. Эртасига фотиҳага борганимизда ўғил-қизлари йиғлашаётганини кўрдик. Ўн тўрт яшар қизалоғи эса айтиб-айтиб йиғларди.

Улфатларингиз ҳам соз эди,
Бири хўроз, бири ғоз эди,
Бир-биридан мумтоз эди,
Чойхонада ўлган отам.

Масту аласт қайтар эдингиз,
Кийим-бошни йиртар эдингиз,
Чала сўзлар айтар эдингиз,
Чойхонада ўлган отам.

Эрта кетиб, кеч келардингиз,
Уйқусираб нелар дердингиз?
На бизларга таълим бердингиз,
Чойхонада ўлган отам.

На кундуз, на кеч кўролмадик,
Дадажоним, деб суя олмадик,
Дийдорингизга тўя олмадик,
Чойхонада ўлган отам.

Сайрларга борсак дегандик,
Қўл ушлашиб юрсак дегандик,
Гоҳо гуллар терсак дегандик,
Чойхонада ўлган отам.

Театрга олиб бормадингиз,
Кинозални кўрсатмадингиз,
Китоб десак белатмадингиз,
Чойхонада ўлган отам.

Сизни укам танимасди-ку,
Амакимни дадам дерди-ку,
Онажоним чидолмасди-ку,
Чойхонада ўлган отам.

Чойхонангиз кўп салқинмиди,
Улфат фарзанддан яқинмиди,
Шу одат сизга маъқулмиди,
Чойхонада ўлган отам.

Қулоқ солинг энди бир нафас,
Онажоним киймади атлас,
Ҳам кўрмади бир орзу-ҳавас,
Чойхонада ўлган отам.

Аллоҳ сизга марҳамат қилсин,
Жойларингиз жаннатдан бўлсин,
Қабрингизга оппоқ нур тўлсин,
Чойхонада ўлган отам.

Тобутингиз оқ шамшод бўлсин,
Арвоҳингиз биздан шод бўлсин,
Чин дунёнгиз ҳам обод бўлсин,
Бизни ташлаб кетган отам.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Синоат

"9" – ИЛОҲИЙ СОНМИ?

Гоҳида инсон ҳаёти давомида, мўъжаз бўлса-да, мўъжизаларга дуч келиб туради. Шундай пайтларда Аллоҳнинг қудратига яна бир бор таҳсин ўқийди киши. Одатда, эътибор берсангиз бу мўъжизалар кундалик ҳаётимизда доимо учрайдиган оддий нарсалар билан ниқобланган.

Шарқнинг кунчиқар томонидан жаҳонга доврўқ солган япон халқи барчамизга маълум бўлган 9 рақамини илоҳий деб билишаркан. Бу нимада кўринади? Агар одам ташийдиган транспортларда 9 та йўловчи бўлса, ҳайдовчи йўлга чиқмай туради. Негаки, кишилар сони 9 та, улар албатта 10 та бўлиши керак. Мабодо, ўнинчи йўловчи келавермаса, ерда ётган тошдан ўзлари билан бирга кетишини сўрайди, кейин индамаслик — розилик аломати, дейишади-да, зарур киши ўрнида уни олиб кетаверишади.

Нега шундай қудратли халқ ушбу рақамни муқаддас санайди? Шу даражада ривожланган миллат ҳам ирим-сиримларга ишонармикин? Балки 9 нинг чиндан ҳам биз билмаган хосияти бордир? Японларда билмадим-у, ўзимизда ҳам ушбу рақам билан боғлиқ бўлган анча-мунча "нарса"лар мавжуд экан.

9 рақамининг биринчи хислатини халқимиз урф-одатларига боғланган ҳолда кўришимиз мумкин. Масалан, Тошкент шаҳри мисолида 9 тоғора деган удумни олайлик. Маълумки, қиз томонидан куёвнинг хонадонига 9 та тоғорада 9 хил таом пиширилган ҳолда келтирилиши шарт.

Ёки Қашқадарёда қизнинг келинлик сепини "тўққиз" деб аташади.

Самарқанднинг баъзи бир ҳудудларида эса 9 тўй деб номланувчи маросим ҳам мавжуд.

Қизиқ, нега энди 8 ёки 10 эмас, айнан 9 тоғора, 9 тўй, 9 бўҳча?

Бу ҳақда шу ҳудудларда яшовчи кишилардан сўраб кўрилганда, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам бунинг "сир"ини билишмаслиги аён бўлди. Балки ушбу удумларнинг тагида бизга қоронғи, аллақандай, тарихимизни очиб берувчи воқеа-ҳодисалар ётган бўлса, ажаб эмас.

Ёки 9 нинг навбатдаги хусусиятига эътибор беринг: барчамизга аёнки, дунёда мавжуд ҳамма нарсанинг яратилишига маълум вақт керак бўлади. Ана шу вақтни Яратганнинг ўзи ўлчаб қўйган.

Шундай экан, оламдаги барча тирик мавжудотларнинг энг улуғи, олийси ва онглиси инсон дунёга келишига 9 ой, 9 кун, 9 соат, 9 минут, 9 секунд вақт керак. Нега айнан 9?..

Биология нуқтаи назаридан қаралганда, агар чақалоқ 7 ойда дунё юзини кўрса, чала туғилган ҳисобланади, 8 ойда эса яшаб кетолмайди. Унинг тўла инсон бўлиб туғилишига фақат 9 ой, 9 кун, 9 соат, 9 минут, 9 секунд вақт етарли, холос.

Чиндан ҳам қизиқ, нима учун Аллоҳ бандасини она қорнида пайдо бўлганидан то ёруғ оламни кўргунича бўлган вақтни белгилашда тоқ сонни ва айнан 9 рақамини танлади? Нега 6, 8 ёки 10, 11 эмас? Демак, ростдан ҳам бир ҳикмат бордир-да бунда?!

Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисоб-китоби билан яратган. Жумладан, меҳр, марҳамат ва ҳуснинг 99 баробарини у ўзида қолдириб, бир фоизгинасини ер юзига туширган ва бандаларига тақсимлаб берган экан. Ана шу бир фоиз билан инсонлар гўзал бўлиб, бир-бирларига меҳр кўргазиб, марҳамат қилиб юрадилар.

Яна Аллоҳнинг 99 та исми ва шунча хислати мавжуд экан. Агар тилда ушбу эзгу хислатлардан жуда ошиб кетса, 50 тасини санай олсак ҳам катта гап.

Қуйидаги хусусият 9 нинг яна бир хислати дейишга арзимаса-да, бунда ҳам бир ҳикмат бордир деб ўйлайман. Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўз тарихида халқи учун улуғ ишлар қилиб кетган буюк фарзандлари бўлади. Шундай ўғлонлардан буюк саркарда Амир Темур ва машҳур шоир Алишер Навоийнинг таваллуд куни ҳам 9 рақами билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Маълумки, Амир Темур 1336 йил 9 апрелда дунёга келган бўлса, Алишер Навоий 1441 йили 9 февралда таваллуд топган.

Энди таъриф бермоқчи бўлганимиз — бу рақамнинг ажойиб хусусияти сизларни ҳам лол қолдирар. Фақат ушбу бажарилаётган математик амаллар айнан 9 сонига тегишлилигини ва шу билан бирга бошқа рақамларда бундай ҳодиса такрорланмаслигини унутмасангиз бўлди.

2 ни 9 га кўпайтирсак, жавоби 18 (2x9=18). 18нинг тескариси 81. 81 ни 9 га бўлсак, натижа 9 (81:9=9). Мана шу ҳосил бўлган натижалар орасига қўшиш белгиси (+) қўйилганда (81+18 эмас, балки 8+1 ёки 1+8=9), натижа 9 бўлади.

Ёки 3 ни 9 га кўпайтириб кўрайлик, натижа 27 (3x9=27). 27 нинг тескари ифодаси 72. 72 ни 8 га бўлганда 9 бўлади (72:8=9). Ҳар икки натижа — (27 ёки 72)нинг ўртасига яна қўшиш белгиси (+) қўйилса, 9 келиб чиқаверади (2+7 ёки 7+2=9).

Бу ҳодисани ана шундай кетма-кетликда — ҳамма бирликдаги рақамни (2 дан то 9 гача) 9 га кўпайтириб, бўлиш, қўшиш амаллари бажарилса, биз тушунтирмоқчи бўлган ажойибот кўринади. Қуйидаги жадвалда бу жараённи янада теранроқ тушуниш мумкин (1-илова).

Ушбу иловада 5 гача бўлган рақамларни бир устун, ундан кейинги сонларни эса бежизга иккинчи устун қилиб ажратмадик. Чунки бажарилаётган амаллар натижаси (1-устунда) 5 рақамидан кейинги сонларда ҳам давом этаётган математик амаллар жавобининг (2-устун) тескариси бўлиб ифодаланяпти (2x9=18 9x9=81). Бу билан ҳосил бўлган натижалар тимсолида ушбу ҳодиса ҳар икки томондан ўртага қараб ҳаракат қиларкан, ўзига хос тартибни ҳам юзага келтиряпти (2-илова.)

Бу ҳодиса, юқорида айтганимдек, бошқа рақамларда содир бўлмайди. Масалан, 2x8=16, 8 чиқиши учун 1 ни 6 га қўшамиз, натижа 7 (1+6=7). 8 бўлмаяпти...

Бу — биз шу пайтгача англаб етмаган, лекин оддий ҳолда юзаки биладиган мўъжизавий жараён. Аллоҳнинг қудрати эса шунда ҳам кўриниб турибди.

Шу ўринда мавжуд бирлик сонлари ҳам фақат 9 билан тугашини унутмаслик керак (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9).

Сиз-чи, азиз муҳлис, 9 сонининг бизга номаълум бўлган бирор бир хусусиятини биласизми? Билсангиз, албатта ёзиб юборинг.

Зуҳра ҲАМДАМОВА

1	1-устун	2-устун	3-устун
	2x9=18	9x9=81	1+8 (8+1)=9
	3x9=27	8x9=72	2+7 (7+2)=9
	4x9=36	7x9=63	3+6 (6+3)=9
	5x9=45	6x9=54	4+5 (5+4)=9

2							
2x9=18	3x9=27	4x9=36	5x9=45	6x9=54	7x9=63	8x9=72	9x9=81
18:9=2	27:9=3	36:9=4	45:9=5	54:9=6	63:9=7	72:9=8	81:9=9
81	72	63	54	45	36	27	18

G'uncha

ЎЗИМИЗ ЭРТАК ЁЗАМИЗ

Болалар ёзувчиси, журналист Эркин Маликов Ўзбекистон телеканалининг "Оқшом эртаклари"да болалар билан ажойиб бир кўрсатув олиб борянти. Унда болаларга мавзулар бўйича топшириқ берилади. Кичкинтой томошабинлар эса ўша мавзу бўйича эртаклар тўқиб, шеърлар ёзиб юборишади.

Энг яхши эртакчиларни "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган эртак китоблар билан тақдирлаб боради.

Уч-тўрт йилдан бери кичкинтойлар ёзган эртаклар анчага етиб қолди. Маърифатталаб, савобталаб ҳомийлар бўлса китоб ҳолида чиқариш мумкин. "Ҳуррият" ҳам мана шу савобли ишга бош қўшиб, болалар ижодига ўз саҳифаларидан ўрин беради.

BODOMNING VATANI

Bir bor ekan, bir yo'q ekan. O'zbekiston elida Chortoq degan yurt bor ekan. Chortoqda bahor o'zgacha bo'lar ekan. Bog'larida bodomlar oppoq bo'lib gullar ekan. Qushlar esa bu gullarga intizor, bolarilar ishqiboz ekan. Bodomzorda bir Azamat degan bola yasharkan. Azamatning bog'idagi bodomlarning ta'rifi kunchiqar mamlakat — Yaponiyaga ham yetib boribdi. Yaponlar kelib bodom gullarini tomosha qilishibdi. Judayam yoqibdi. O'zlarining yurtlariga bodom ko'chatlaridan olib ketishibdi. Qanchalik harakat qilishmasin, ko'chatlar o'smabdi. Yaponlar Azamatdan: "Nima uchun ko'chatlar ko'karmadi?" — deb so'rashibdi. Azamat debdi:

— O'zbek xalqida bir maqol bor: "Daraxt bir yerda ko'karadi". Bizda Vatan bittadir, Vatan yagonadir. Buni daraxtlarimiz ham bilishadi-da!

Yaponlar Azamatning gaplariga qoyil qola-qola yurtlariga jo'nab ketishibdi...

Maftuna HAMIDOVA,
Namangan viloyati, Chortoq tumanidagi 40-maktabning 3-"G" sinf o'quvchisi

TONG

Tong otmoqda, oq tonglar otar,
Qalbim kabi yarqirab, yonib.
Tong otmoqda, oq tonglar otar,
Osmon uzra charaqlab, kulib.

Tong otmoqda, oq tonglar otar,
Yuragimni kemirar alam.
Tong otmoqda,
oq tonglar otar...
Oh, bunchalar tordir bu olam!

SO'NGGI QO'NG'IROQ

Mana chalinmoqda so'nggi qo'ng'iroq,
Uchirma qaldirg'och qilmoqda parvoz.
Afsuski, qaytmaydi endi bu damlar,
Qalblarda hayajon, qaynoq ehtiros.

Ilk bor bu dargohga qo'yganda qadam,
Meni kutib oldi aziz ustozim.
Jajji qo'llarimga tutqazib qalam,
Tebratdi yurakda jo'sh urgan sozim.

Xayr maktab, xayr mening aziz dargohim,
Xotiramda qolursan endi toabad.
Qaniydi, xudoga yetsaydi ohim,
Mana shu dargohda qolsaydim abad.

Guljahon NAMOZOVA,
Navoiy shahridagi 8-o'rta maktabning 9-sinf o'quvchisi



Сув-ла оқиб бораётган хаёлларни боғлайди кўприк..

Мозий

"ГЎРИ АМИР" ТАРИХИДАН НОДИР ЛАВҲАЛАР

Тарих манбаларидан маълумки, Амир Темур набиралари Муҳаммад Султон (Жаҳонгирнинг ўғли) ҳамда Улуғбекни (Шоҳруҳнинг ўғли) жуда ҳам яхши кўрган. Уларнинг тарбияси ҳамда билим олиши учун ўша даврнинг кўзга кўринган олимларини жалб қилган. Айниқса, Муҳаммад Султонга меҳр кўзи билан қараган, чунки у ўзи каби саркардалик санъатини доимо жойига қўйиб, бобоси ўйлагандек барча ишларни беками-кўст бажарар эди. Лекин у 19 ёшида 1403 йили фожиали ҳалок бўлади. Амир Темур Муҳаммад Султон хотирасини абадийлаштириш мақсадида мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Бу мақбара Муҳаммал Султон мадрасаси ёнига қурилиб, қирқ кун (айрим манбаларда ўн кун) ичида битказилган деган тахминлар бор. Шундай жозибали, кўркам ёдгорликнинг қирқ кун ичида қуриб битказилиши ақлга сиғмаса ҳам, лекин Амир Темурнинг қудрати нимага қодир эканлигини амалда яққол исбот этган. Амир Темур вафотидан кейин 1405 йили шу мақбарага дафн қилинган. Шунинг учун ушбу мақбара "Гўри Амир мақбараси" дейилади. Бу мақбарада Амир Темурнинг ўғиллари Шоҳруҳ ва Мироншоҳ, набираси Мирзо Улуғбек, унинг фарзандларининг сағаналари бор. Мақбаранинг жуда баландлиги, қайтарилмас безаклари, кошинларнинг жилоси, нафислиги хорижий меҳмонлар ва сайёҳларни ҳайратга солиб, лол қолдирмоқда. Мақбаранинг ўртасига ўрнатилган сағана тошларида темурийларга бағишланган ёзувлар бор.

Шулар орасида Амир Темур қабри устига Мирзо Улуғбек томонидан қўйилган ёдгорлик (нур таратиб турадиган жаҳонда ягона тўқ яшил рангли нефрит тоши) диққатга сазовордир. Улуғбек мўғулларга қарши юриш вақтида 1425 йили бу тошни Қашқардан (Уйғуристон) махсус аравалар қурдириб, Самарқандга олиб келган. Бу тош икки бўлакдан иборат бўлиб, усталар уни тарашлаб, силлиқлаб, бўлакларни бир-бирига мослаб ўрнатириб, Амир Темур сағанаси устига қўйганлар. Нефрит тоши табиатда жуда қаттиқ материал бўлиб, унга ишлов бериш, ёзув-чизув ишларини бажариш ҳаддан ташқари мушкул. Лекин ўша даврнинг усталари бу тошни силлиқлаб, устига: "Марҳаматли, меҳрибон, улуғ Амир Темур Кўрагоний, амир Тарағай ўғли", деб жуда нафис ёзувларни ўйиб ёзганлар. Тарихчи Мирхоннинг ёзишича, бу тошга Хитой ҳоқонлари камида 100000 динор соф олтин танга ҳамда давлатларидаги қимматбаҳо турли бойликларни беришга тайёр эканликларини маълум қилишганда, Улуғбек рози бўлмаган.

Мирзо Улуғбек Гўри Амир мақбарасига алоҳида аҳамият бериб, қўшимча қурилишлар қилиб, ўзгартиришлар киритган. Яъни, асосий саккиз қиррали мақбара биносига қўшимча бир неча ён бинолар қўшиб бирлаштирган ҳамда мажмуа олдини чиройли фасад билан боғлаган. Бу қўшилган бино деворлари асосийсига қараганда нозик, ҳақиқий, ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мирзо Улуғбек қўшган бино олдидаги пештоқда уни қурган меъмор Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳонийнинг номи ёзилган.

Амир Темур бобомиз меросларини узоқ йиллар топталиб, хўрланди. М.Е.Массоннинг ёзишича, (М.Е.Массон — машҳур археолог олим, академик Г.А.Пугаченковнинг турмуш ўртоғи) ўғрилар Самарқанд шаҳридаги Улуғбек мадрасасидан 1901 йили қимматбаҳо тошни ўғирлаб, хорижга сотганлар.

1895-1897 йилларда Амир Темур мақбарасидаги кошинлар, безаклар, қадамалардан нусха кўчириб, махсус альбом қилиш мақсадида мақбаранинг фил суяги билан қадама нақшланган асосий улкан, нодир иккала эшиги ҳам чиқарилиб, Эрмитажга жўнатилди. 1903 йили император Александр IIIнинг музейи учун Амир Темур мақбараси ойнасидан бир қисми қўпорилиб, Петербургга жўнатилди.

1904 йили ҳам ён томондаги жуда нафис ишланган нодир кичик эшикларнинг ҳам бири чиқарилиб, Эрмитажга юборилди.

1905 йили эса мақбара пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа ўғирланиб, Германияга сотилди ва бу лавҳа 1910 йили Россияга қайтарилди. Ҳозир бу лавҳа ҳам Эрмитаждадир. Унда "Жаҳонгир Амир Темур Кўрагонийнинг қабри, Худо уни раҳматли қилсин ва абадий жаннатда бўлсин", деган ёзувлар бор. Амир Темурнинг 1391 йили Тўхтамиш устидан қозонилган ғалаба шарафига бағишлаб ёзилган тош ҳам Эрмитаждадир.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД тайёрлади

Э Ъ Л О Н Л А Р

Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 11-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Ашурбоева Наргиза Эргашевна номига берилган А № 434456-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "Қил-белво" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққандан сўнг 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 43-38-86